БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 143 (16.833). | 22 июнь 1977 йил, чоршанба | Баҳоси 2 тийин.

БКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг раиси А. Я. Пельше бошчилигида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг делегацияси КПСС ва БКПнинг контрол ва ревизия соҳасидаги фаолияти масалалари юзасидан тажрибаларни ўртоқлашиш учун 21 июнда БКП Марказий Комитетининг таклифига биноан Болгария Халқ Республикасига жўнаб кетди.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ КОМИССИЯЛАРИДА

21 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети бир қанча доимий комиссияларининг мажлислари бўлди.

Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги комиссияларининг қўшма мажлисида автоном республикада ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ҳисоботи тингланди.

Депутатлар таъкидлаб ўтганидек, Қорақалпоғистон АССРда бу соҳада муайян муваффақиятларга эришилди. Олти йил ичида ҳайдаб экин экиладиган майдонлар 68,8 минг гектар, шу жумладан янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига 17,3 минг гектар кенгайди. Деҳқончилик маданияти ўсди, пахта, мактажўхори, сабзавот ҳосилдорлиги ошди. Шу билан бирга, мажлисда автоном республикадаги кўп хўжаликлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун барча имкониятлардан ҳали фойдаланмаётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш ва социал таъминот масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияларнинг қўшма мажлисида шаҳар маҳаллий Советларининг бир ёшгача бўлган болалар сиҳат-саломатлигини сақлаш соҳасидаги иши тўғрисида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Депутатлар бу соҳадаги ишларнинг аҳволини ҳар томонлама таҳлил этиб, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштириш зарур эканлигига шаҳар ижроия комитети, турли министрликлар ва идораларнинг эътиборини жалб этдилар.

Сўнгра хотин-қизларнинг меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссия ўз мажлисида Ўзбекистон халқ хўжалигида ишлаётган хотин-қизларнинг сиҳат-саломатлиги ва меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза этиш қандай аҳволда эканлиги тўғрисида министрликлар ҳамда идоралар раҳбарларининг ахборотини тинглади. Мажлисда хотин-қизларнинг меҳнати тўғрисида қонунда белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилиш, уларга медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди. Қишлоқ меҳнаткаш хотин-қизларининг меҳнат шароитларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияси мажлис ўтказди. Бу мажлисда директив органларнинг халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш масалаларини ишлаб чиқиш юзасидан берган топшириқлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари томонидан қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди.

Депутатлар республика Фанлар академияси кибернетика институти ва ундаги ҳисоблаш маркази автоматлаштирилган бошқариш системаларини вужудга келтириш ва ҳисоблаш техникасини жорий этиш соҳасида ижобий иш олиб борганлигини таъкидладилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумига иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, КПСС XXV съездининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Фанлар академияси 250 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида баён қилинган қонда ва хулосаларга мувофиқ, ишлаб чиқариш билан алоқани янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга илмий-тадқиқот институтларининг эътиборини жалб қилиш тавсия этилди.

Ташқи ишлар комиссиясининг мажлисида социалистик ҳаёт тарзини, Ўзбекистоннинг Совет ҳокимияти йилларида экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятларини пропаганда қилиш тўғрисида гап борди.

(ЎзТАГ).

МАТБУОТНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Улуғ Октябрь ғалаба қилганидан кейинроқ В. И. Ленин Советларнинг иккинчи Бутунроссия съездида сўзлаган нутқида халқнинг ижодий кучларига, меҳнаткашларнинг онглилиги, иродаси, туб манфаатлари ва орзу-умидларини амалда мужассамлаштирадиган жамият ва давлатни вужудга келтириш, уни ҳар қандай ҳамлалардан ҳимоя қилиш ва тараққиётнинг юксак чўққиларига оғишмай нўтариш кобилиятига чуқур ишонганлигини билдирди. «Бизнинг тасаввуримизча, — деди у, — давлат оммаанинг онглилиги билан кучлидир. Омма ҳамма нарсадан хабардор бўлиб, ҳамма нарса ҳақида фикр юрита олган ва ҳамма ишни онгли суратда бажарган тақдирда давлат кучлидир».

Ленин берган баҳонинг тарихан ҳаққонийлиги, совет нишларининг юксак онглилиги ҳозир СССР янги Конституциясининг лойиҳаси бутун халқ ўртасида муҳокама қилинаётган бир пайтда алоҳида куч билан намоён бўлмоқда. Бу муҳокама актив ва оммавий тус олганлиги, унинг ватанпарварлик руҳиялиши меҳнаткашлар жонажон партиясининг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан маъқуллаётганлигини кўрсатиб турибди. Миллионларча меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитети ва Пленумининг қарорларини, Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган доклади қоидалари ва хулосаларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилиб, партия XXV съездининг қарорларини янада муваффақиятли амалга оширишга, коммунистик қурилишнинг янги марраларини эгаллашга интилмоқдалар.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари мамлакат Асосий Қонуни лойиҳасини муҳокама қилишда катта роль ўйнайди. Матбуот органлари миллионларча совет кишиларининг амалий тажрибасини, билимини, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини чиқанам ифода этиши керак. Партиянинг Конституция лойиҳасини ғоят кенг, эркин ва чиқанам амалий муҳокама қилишни таъминлаш, аҳоли барча табақалари намояндаларини бу муҳокамага жалб этиш тўғрисидаги кўрсатмалари тамомила ана шу тадбирларга тааллуқлидир.

Бунда гап аввало матбуотнинг меҳнаткашлар томонидан ўртага қўйиладиган масалаларнинг моҳияти тўғрисида, партия комитетларининг муҳокамага бағишланган пленумлари ва маҳаллий Советларнинг сессиялари ҳақида, гражданларнинг таклифлари ва хатлари, чет элларда баён этилган фикрлар тўғрисида ўз вақтида мунтазам суратда ва аниқ-равшан ахборот бериб туриши тўғрисида бораётир. СССР янги Конституцияси лойиҳасининг мазмунини ва унинг мамлакат ички ҳаёти учун, ер юзида социализм, тинчлик ва тараққиёт кучларини мустаҳкамлаш учун аҳамиятини ҳар томонлама очиб бериш, бу ҳужжатнинг хусусиятларини тушунтириб бериш лозим. Партия ва совет органлари, касаба союзлари, комсомол, ижодий союзлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг лойиҳани муҳокама қилиш билан боғланган ташкилотчилик ишини матбуотда кенг акс эттириш керак. Буларнинг ҳаммасини ривожланган социализм жамиятининг Асосий Қонун лойиҳасида тўлиқ ифодасини топган тарихий ғалабаларини, Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролини, Совет давлатининг инсонпарварлик моҳиятини аниқ-равшан кўрсатиб бериш билан бирга қўшиб олиб бориш муҳимдир.

Газета ва журналлар, телевидение ва радио эшитириш почтаси меҳнаткашларнинг СССР Конституциясининг лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазалари баён этилган жуда кўп хатларни олиб турибди. Газетхонлар мамлакат босиб ўтган мислсиз йўлнинг тафсилотларини эсга олиб, диққат-эътиборни умумдавлат аҳамияти ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган проблемаларга жалб этмоқдалар; кишиларнинг Ватан тақдирини акс эттирган завқли тақдири тўғрисида ҳикоя қилмоқдалар, ўз меҳнат коллективларининг муваффақиятларига муносиб баҳо бермоқдалар ва камчилик ҳамда нуқсонларни уддабуронлик билан кескин таҳлил этмоқдалар. Хуллас, ҳозирги кунда олинаётган хатлар ичида жуда кўп мароқли, актуал мавзулар ўртага қўйилмоқда. Бу хатлардан самарали фойдаланиш учун ҳар бир редакцияда уларни аниқ ҳисобга олиш, тез қараб чиқиш ва умумлаштириш, жамоатчиликнинг эътиборига сазовор бўлган хатларни танлаб олиб, газета саҳифаларида босиб чиқариш керак. Муҳокама давомида пайдо бўладиган саволларга далиллар билан жавоб қайтариш, яхши асослаб берилган ҳар бир таниқидий сигнал юзасидан камчиликларни тез бартараф қилишга ёрдам бериш ҳамда нўрилган тадбирлар тўғрисида матбуотда ахборот бериб туриш зарур. Оммаанинг овозига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш — ана шу кўп қиррали ишга нисбатан қўйилаётган асосий талабдир.

Аммо умумхалқ муҳокамаси фикр ва мулохазаларни қамраб олиш билангина чекланмай, социалистик Ватан қудратини янада мустаҳкамлашдан астойдил манфаатдор бўлган, совет халқларининг бузилмас дўстлиги руҳи билан суғорилган совет кишиларининг собиткадам ҳаракатларини ҳам акс эттиради. Бизнинг матбуотимиз босиб чиқарадиган материаллари ва омма ўртасида олиб борадиган ташкилотчилик иши билан жамият ишларини бошқаришда меҳнаткашларни тобора кенг қатнаштиришга, давлат аппаратини такомиллаштиришга, жамоат ташкилотларининг активлигини ўстиришга ёрдам бериши лозим. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида таъкидлаб ўтганидек, «Халқнинг партия ва ҳукуматга ишончи зиммамизга кўп вазифаларни юклайди. Бу ишонч ҳаммамиздан янада яхшироқ ишлашни, совет нишларининг ошиб бораётган талаб-эҳтиёжларига янада кўпроқ эътибор беришимизни тақозо қилади».

Конституция лойиҳаси шонли байрам — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида муҳокама қилинмоқда. Совет нишлари бу байрамни беш йиллик планларни муваффақиятли бажариш учун курашда янгидан-янги ғалабалар билан кутиб олишга тайёрланмоқдалар. Социалистик мусобақадаги меҳнат жўшқинлигини доим ҳис этиш, ҳар бир меҳнат коллективида ишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга сабот-матонат билан эришиш, шу кунларда оммаанинг ташаббуси ва ижоди вужудга келтираётган яхши ишларнинг ҳаммасини зўр ғайрат билан қўллаб-қувватлаш — матбуот, телевидение, радионинг бурчидир.

Шу тарина, матбуот жуда кўп ишларни бажариши керак. Партия комитетлари ўз матбуот органларига раҳбарликни такомиллаштиришлари жуда муҳимдир. Ҳар бир редакцион коллективнинг фаолиятини пухта ўйлаб планлаштириш, авторлар активига кенг таяниш, партия ва совет кадрларини, олимларни, маданият арбобларини, мутахассисларни Асосий Қонун лойиҳаси қоидаларини муҳокама ва пропаганда қилишга жалб этиш лозим. Материалларнинг ғоявий мазмуни, сифатига юксак талабчанлик билан қараб, масалага шу тарзда ёндашиш бутун ишни КПСС Марказий Комитетининг Май Пленуми кўрсатмалари талаб этган даражада олиб бориш имконини беради.

Муҳокаманинг тўлақонли ва оммавий тус олиб, унда бутун халқнинг чиқанам иштирок қилишини, унинг актуал мазмунга эга бўлиб амалий конкрет характерда уюштирилишини таъминлаш — матбуотимизда янги Конституция лойиҳасини муҳокама қилишга хос хислат бўлиб қолиши керак. Бу эса муҳокаманинг бутун ижтимоий ҳаётни янада активлаштириш, коммунизм қураётган совет кишиларининг ижодий ташаббусини ўстиришда қудратли омил бўлиб қолиши учун гаровдир.

(«Правда» газетасининг 21 июндаги бош мақоласи).

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ФРАНЦИЯГА ВИЗИТИ

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

РАМБУЙЕ, 20 июнь (ТАСС). Бу ерда тушдан кейин КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Франция Республикасининг Президенти В. Жискар д' Эстэн ўртасида музокаралар бошланди.

Совет томонидан музокараларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, СССРнинг Франциядаги элчиси С. В. Червоненко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, ТАСС бош директори Л. М. Замятин, ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалёв, СССР ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Ю. В. Дубинин.

Франция томонидан: ташқи ишлар министри Л. де Гиренго, ташқи савдо министри А. Росси, Франциянинг СССРдаги элчиси Б. де Лесс, Президентнинг матбуот бўйича маслаҳатчиси Ж. Ф. Лека, Президентнинг дипломатик маслаҳатчиси Г. Робен, Ташқи ишлар министрлиги департаментларининг директорлари А. Фроман—Мерис, Ж. Андреани қатнашмоқдалар.

Л. И. Брежнев билан В. Жискар д' Эстэн Совет — Франция муносабатларини янада ривожлантиришга доир бир қанча муҳим масалаларни қараб чиқдилар ва янги катта шартномалар тузиш имкониятларини муҳокама қилдилар.

Музокаралар давомида Совет — Франция муносабатлари ҳар иккала мамлакат ва уларнинг халқлари манфаатлари йўлида самарали ривожланаётганлиги уқтириб ўтилди. Совет — Франция ҳамкорлигининг яхши истиқболга эга эканлигига ишонч билдирилди.

Томонлар ҳар иккала мамлакатда асосий Совет — Франция ҳужжатлари — СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик принциплари ва сиёсий маслаҳатлашув тўғрисидаги протоколнинг оғишмай бажарилишига катта аҳамият берилаётганлигини таъкидладилар. Шу ҳужжатларда белгиланган йўлни бундан кейин ҳам ривожлантиришга ҳар икки томоннинг интилиши икки томонлама муносабатларни кенгайтиришга, халқаро масалаларнинг тобора кенгроқ доирасида Совет Иттифоқи билан Франциянинг биргаликда ҳаракат қилишини чуқурлаштиришга олиб боради, деган фикр изҳор этилди.

Халқаро проблемалар муҳокама қилинаётган пайтда ядро қуролининг тарқалишига қарши курашнинг муҳим эканлиги масаласига тўхталиб ўтди. Томонлар ядро қуролини тарқатмаслик ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашишга қатъий аҳд қилганликлари таъкидланди.

Шунингдек ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари қараб чиқилди.

Л. И. Брежнев билан В. Жискар д' Эстэн халқаро кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш ва янада чуқурлаштириш масаласини атрофлича қараб чиқдилар ва СССР билан Франция ўзининг ташқи сиёсатида бундан кейин ҳам шу йўлга амал қилишга қарор берганлигини таъкидладилар.

Музокаралар давом эттирилади.



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Франциядаги расмий визити давом этмоқда. Суратда: Орли аэродромида кутиб олиш пайти. «Известия»нинг махсус мухбири С. Смирнов телефотоси.

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ

РАМБУЙЕ, 21 июнь. (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Франция Республикасининг Президенти В. Жискар д'Эстэн музокаралари давом эттирилди.

Музокараларда совет томонидан: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, СССРнинг Франциядаги элчиси С. В. Червоненко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, ТАСС бош директори Л. М. Замятин, ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Ю. В. Дубинин;

Франция томонидан: бош министр Р. Барр, ташқи ишлар министри Л. де Гиренго, бош министр ҳузуридаги экономика ва молия мухтор министри Р. Булен, ташқи савдо министри А. Росси, Франциянинг СССРдаги элчиси Б. де Лесс, Президентнинг матбуот масалалари бўйича маслаҳатчиси Ж. Ф. Лека, Президентнинг дипломатик маслаҳатчиси Г. Робен, Президентнинг маслаҳатчиси Ж. П. Дюте, Ташқи ишлар министрлиги экономика департаментининг директори А. Фроман-Мерис, Экономика ва молия министрлиги ташқи иқтисодий алоқалар бошқармасининг директори Ж. де Морель, ташқи ишлар министрлиги Европа бўлимининг директори Ж. Андреани қатнашдилар.

Хельсинкидаги кенгаш Якунловчи актининг бажарилиши асосида Европадаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олинди. Шу муносабат билан Совет Иттифоқи ва Франция биргаликда ва шу мамлакатларнинг алоҳида-алоҳида ҳар бири бундан буён ҳам шу акт ҳамма моддаларини амалга ошириш йўлида ҳаракат қилаверишга тайёрликлари таъкидланди.

Совет томони Ғарб давлатлари сиёсатида кескинликни юмшатиш жараёнининг ривожланиши билан мувофиқ келмай Хельсинки шартномаларига зид турувчи аломатлар хусусида ташвишланаётганлигини билдирди.

Жумладан, Европа икки қисмини бир-бирига бундан буён янада кескинроқ қарши қўйиш йўлидаги хатти-ҳаракатлар замон руҳига, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш манфаатларига, Европада тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига мос келмас эди, деган фикр билдирилди.

Томонлар кескинликни юмшатиш масалаларини муҳокама қилаётиб, ядро асрида конфронтациядан қочишга амалда имкон бера оладиган бирдан-бир йўл —кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштиришдир, чунончи сиёсий жиҳатдан кескинликни юмшатиш ҳарбий жиҳатдан кескинликни юмшатиш билан қўшиб олиб борилиши керак, деб таъкидладилар.

Музокаралар чоғида қуролланиш пойгасини чеклаш ва тўхтатиш масалаларига, қуролсизланиш проблемасига катта эътибор берилди. Шу билан бирга, ҳар икки томон қуролланиш пойгасига барҳам бериш зарурлигига ишонганлигини билдирди.

Президент В. Жискар д'Эстэн муҳокама этилаётган масалалар хусусида Франция томонининг нуқтаи назарини баён қилиб жумладан, Франция кескинликни юмшатиш сиёсатига содиқлигини ҳамда у ядро қуроли яна ҳам тарқалиб кетишининг олдини олиш борасида куч-ғайратларни активлаштираётганлигини таъкидлади.

Икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш Хельсинкида қабул қилинган ҳар томонлама ва узоқ муддатли программа амалга оширилишига шубҳасиз таъсир ўтказиши қайд этилди.

Музокаралар конструктив, дўстона вазиятда ўтди. Бу музокаралар давом эттирилади.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАРШАВАГА КЕЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги совет делегацияси 20 июнь куни Москвадан Варшавага жўнаб кетди. Делегация Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXXI мажлисида қатнашади.

Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, К. Ф. Катушев, В. А. Кириллин, СССР министрлари В. Ф. Гарбузов, П. С. Непорожний, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, Совет Иттифоқининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакилининг биринчи ўринбосари В. Н. Титов бор.

Аэродромда делегацияни А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

ВАРШАВА, 20 июнь. (ТАСС). Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXI мажлисида қатнашиш учун СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги совет делегацияси бу ерга келди.

Делегацияни аэропортда Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси П. Ярошевич, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида СССРнинг ПХРдаги элчиси С. А. Пилотович бор эди.

Муддатидан илгари!

Ўзбекистон балиқ саноати корхоналарининг коллективлари ўз профессионал байрами — Балиқчилар кунини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан 1977 йилнинг биринчи ярим йили планини муддатидан аввал, 21 июнь куни бажардилар. Июнь ойнинг охиригача қўшимча равишда 460 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).



ТУҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси бугун, 22 июнь эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 22 июнь куни эрталаб соат 9.30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари эрталаб соат 9 дан мажлислар залининг ўзида рўйхатга олинади.

Бугун Тошкентда тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси очилади. Суратда: сессия қатнашувчиларидан бир группаси.

А. Тўраев фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

ЖАНГОВАР СЎЗ ТАЪСИРИ

Агитаторлар, пропаган дистлар, сиёсий ахборотчилар ҳамда сиёсий ташкилотчилар идеология фронтининг энг муҳим участкасида иш кўриб, партия ва ҳукуматимизнинг кундалик сиёсатини меҳнаткашларнинг ҳамма қатламлари ўртасидан кенг ёйиш, омма орасида кенг кўламда сиёсий-тушунтириш ҳамда тарбиявий иш олиб боришга даъват этилгандирлар. Партиямиз уларни ҳақ ли равишда ўзининг ғоявий жангчиси деб атайди. Бу сўзларнинг замирида катта маъно бор. Озғаки сиёсий агитация ходимлари бу катта ишончни оқлаб меҳнаткашларни ғоявий чиниқтириш, уларни юксак ватанпарварлик ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш бобида ўз бурчларини сидқидилдан адо этиб келмоқдалар.

Ҳаёт — озғаки сиёсий агитациянинг роли ва таъсири нақадар улканлигини кўрсатмоқда. «КПСС XXV съезди қарорларини бажаришда озғаки сиёсий агитациянинг ролини ошириш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети яқинда қабул қилган қарор фикримизнинг ёрқин ифодасидир. Чиндан ҳам озғаки агитация партиямизнинг тарихий XXV съезди қарорларини омма онги ва қалбига етказишда, кишиларимизни янги беш йилликнинг иккинчи йили вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш, хўжалик ва маданий қурилиш борасидаги улуғвор планларни муваффақиятли бажаришда ўз самарасини кўрсатмоқда. Область партия комитети идеология ишининг бу муҳим участкаси бениҳоя кенг имкониятларга эга эканлигини ҳисобга олиб, озғаки агитация ҳамда пропаганда ишига алоҳида эътибор бермоқда. Энг яхши жанговар сўз устаси, Киров районидаги «Москва» колхози бригадаларидан бирида 15 йилдан бери самарали иш олиб бораётган агитатор Абдураззоқ Зоҳидовнинг ташаббуси область партия комитети бюроси томонидан маъқулланганлиги ва ҳозир барча район ҳамда шаҳарлардаги агитколлективлар ўртасида оммалаштирилаётганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида, қутлуғ юбилей йилида Фарғона область меҳнаткашлари улкан марраларни кўзлаб турибдилар. Бу йил она-Ватанга 585 минг тонна «оқ олтин» топшириб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача ғалаба рапорти бериш иштиёқи билан тўлибтошган деҳқонларимиз ўз орзуларига эришмоқ учун комил ишонч билан меҳнат қилаётирлар. Индустриал Фарғона саноати ходимларининг ғайрат-шижоатлари ҳам юксак. Неча юзлаб ишлаб чиқариш новаторлари бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ҳаракатига қўшилиб, ҳозирданоқ энг яхши натижаларни қўлга киритаётирлар. Хўжалик ва маданий қурилишнинг бошқа жабҳаларида ҳам фахр билан тилга олса арзийдиган, ибрат бўлларли мисоллар жуда кўп.

Бамисоли чашмадек қайнаб турган ташаббусларни, новаторлар тажрибаларини кенгроқ тарғиб этиш, энг яхши тажрибаларни ҳаммаларнинг мулкига айлантиришда озғаки агитация воситаси шубҳасиз жуда катта роль ўйнади. Шу боисдан область партия комитети район ва шаҳарларнинг партия ташкилотлари бу масала билан изчил ва жиддий шуғулланмоқдалар. Ҳозир областимизда жами 17 мингдан кўпроқ агитатор, қарийб 6 минг сиёсий ахборотчи ва 5800 кишидан иборат сиёсий ташкилотчилар иш олиб бормоқдалар.

Рақамлар кўрсатиб турибдики, идеология фронтининг бу участкасига қарийб 29 минг киши жалб этилган. Лекин биз рақамлар билан овуниб қолаётганимиз йўқ, аксинча, оммавий-агитацил борасидаги ишимизнинг самарасини — бу жанговар сўз усталарининг оммани қай тарзда сафарбар этаолишлари даражаси билан ўлчаймиз. Бинобарин, идеология ишидаги самарадорлик фаолиятимиз мезонидир.

Аксарият район ва шаҳарларда озғаки сиёсий агитация намунали йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда Ленинград районида қилинаётган ишлар айниқса диққатга лойиқ. Район партия комитети озғаки сиёсий агитацияга ҳамиша энг муҳим масала сифатида катта эътибор беради. Райкомнинг бюроси идеология ишларининг 1976—1980 йилларга мўлжалланган планини тасдиқлаб, ўз фаолиятида бунга қатъий амал қилмоқда.

Райондаги Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ Д. Омонов мудирлик қилаётган агитпункт теварагига ана шундай ишчан ғоявий жангчилар уюшиган. Агитпункт перспектив план асосида ишлайди. Оммавий-сиёсий ишлар марказига айланган бу билим масканида 37 агитатор, 18 сиёсий ахборотчи, 17 сиёсий ташкилотчи, «Билим» жамиятининг 15 аъзоси вақти-вақти билан йиғилишиб, навбатдаги ишлар хусусида гаплашиб оладилар, ўзаро тажриба алмашадилар, бригадаларда чиқарилаётган «Чақмоқ», «Жанговар варақа» ҳамда деворий газеталарнинг таъсирчанлигини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлайдилар. Бир сўз билан айтганда, сиёсий агитация ходимлари томонидан олиб борилаётган ҳар бир иш хўжаликнинг ҳамма соҳасида белгиланган топшириқларни ошириб адо этиш, колхоз меҳнат аҳлини ғоявий чиниқтириш манфаатларига қаратилган. Агитпункт теварагига уюшган жанговар сўз усталари колхознинг юқори ҳосил усталари, 50-60 центнерлик хирмонни кўзлаб меҳнат қилаётган М. Аҳмадалиев ҳамда СССР Олий Совети депутати Ҳ. Турдиматова ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг бой тажрибаларини бошқа барча бригадаларда кенг оммалаштирмоқдалар. Хўжаликнинг қатор бригадалари ҳозир 45-55 центнерчилик ҳаракатига қўшилган экан, бунда колхоз сиёсий агитация ходимларининг улуши катталдир.

Ўзбекистон, Киров, Қува, Фарғона районларида ҳам идеология фронтининг бу таъсирчан участкасида кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда. Агитаторлар, сиёсий ахборотчилар дала шийпонлари ишини намунали йўлга қўйиш уларни колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг оромгоҳига айлантириш борасида қизғин иш олиб бормоқдалар. Бинобарин, дала шийпонлари пахтакорлар тўпланадиган ғоят катта аудиториялар ҳамдирки, уларда тарғибот ишларининг турли усулларини самарали қўлланиш мумкин. Область колхоз ва совхозлари, корхона ҳамда муссасалар, ўқув юртларидаги юзлаб партия ташкилотлари озғаки сиёсий агитация коллективларининг кучидан ишнинг кўзини билиб, самарали фойдаланишга интилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленумида қилган докладида ўртоқ Л. И. Брежнев янги Конституция лойиҳаси муҳокамасини ташкил этишда партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни аниқ белгилаб берди. Шу кунларда областимиз партия ташкилотларида лойиҳани ўрганиш ва уни пропаганда қилиш қизғин тус олдирилмоқда. Агитаторлар, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар Совет ҳокимияти 60 йил мобайнида босиб ўтган шонли йўл, халқларимиз тақдирида рўй берган ўзгаришлар ҳақида суҳбатлар ўтказиб, лойиҳада илгари сурилган энг муҳим қоидаларни меҳнаткашларга тушунтириб бермоқдалар.

М. МАЪРУФОВ,
Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

МАЖБУРИЯТЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРЯПСИЗ?

ВАЪДАСИГА ВАФОДОРЛАР

— ЗИММАГА ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРЯПСИЗ!
СЎЗ НАВБАТИ — ФАРҒОНАЛИК ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ТАШАББУСКОРЛАРГА.

ИШОНЧИМ КОМИЛ

Галина ВОЛНА,
Фарғона химиявий тола заводининг ип ўровчиси.

Тунов куни эрталаб ишга келишим билан корхона меҳнат ва иш ҳақи бўлимидан қўнғироқ қилишди.

— Галя, табриклаймиз, ишинг зўр-ку!

Телефондаги овозни танидим. Ҳар гал бирор маррага етсам таниш экономист қиз қўнғироқ қилиб қўяди.

— Қанча бўлибди? — сўрадим одатимга кўра.

— 1979 йилни ҳам яримлатиб қўйдинг, қойил!

Телефондаги суҳбатимиз шу билан тугади. Мен иш бошладим. Хаёлимда шу йил бошида Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида берган тантанали ваъдам кезарди.

— Ўтган йилни қандай якунладингиз? — сўради Марказком аъзоларидан бири.

— Бир ярим йиллик планимни бажариш юзасидан олган социалистик мажбуриятимни ошириб адо этдим. Меҳнат унумдорлиги икки ҳисса ортди.

— Қандай эришдингиз? — такрор сўради у киши.

— Уровдан чиққан маҳсулотни дастгоҳдан олиш, машинага янгидан ҳом ашё жойлаш, узилган ипни улаш сингари барча ишларга кетадиган вақт сарфини камайтиришга интиляпман...

Шундан сўнг бюро аъзолари менинг Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятимни маъқуллашди. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор эди: «Улуғ айёмга қадар тўрт йиллик топшириғимни бажараман. Плондаги 88 процент ўрнига 91 процент маҳсулотимни биринчи сортга топшираман. Беш йил ичида ўн нафар ёш ишчи тайёрлашга қарор қилдим».

Қарориминнинг ижросини корхонамиз экономистидан эшитдингиз. Қўшимча қилиб шуни айтишим мумкинки, тўрт нафар шогирдим бугун-эрта дастгоҳларни мустақил бошқаришга ўтишади. Юбилейга қадар кўзлаган маррамга етишимга ишончим комил.

ДЕНГИЗ ҚОНУНИ

Қувондиқ ИСМОИЛОВ,
Қорақалпоғистон «Рибакколхозсоюз»ига қарашли «Амударё» колхози 167-мотофелюга капитани.

Денгизнинг ўз қонуниятлари бор. У мардликни ёқтиради. Менинг балиқчиликка бўлган ихлосим ёшлигимданоқ бошланган. Мактабдан чиқибоқ, денгизга отилардим. Сузаётган кема ва мотофелюгаларни узоқ кузатар, қирғоққа яқинлашганда балиқчилардан айлантириб келишларини ёлвориб сўрардим. Кези келса, кўмаклашиб юборардим. Ҳаммадан аввал кема капитани бўлишни жуда-жуда орзу қилардим.

Йиллар ўтди. Уқишни тугатдим-у, денгизга келдим. Орзум ушалди. Уз уқувим ва меҳнатим билан балиқчиларга ёқиб қолдим. Тузуккина балиқ тута бошладим. Узимга яраша берилган топшириқларни ошириб бажаришга интилдим. Тажрибам ортган сайин планларим ҳам ўсиб борди. Тўққизинчи беш йилликда топшириғимни бир ярим баравар ошириб адо этдим.

Денгиз қонуниятлари мени яна янги рекордлар сари чорлади. Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш ниятида зиммамга юксак социалистик мажбурият олдим. Юбилей тантаналари бошлангунга қадар беш йилликнинг тўрт йили топшириғини адо этиш, яъни 590 центнер балиқ овлашга сўз бердим. Ўтган йили овлаган 392 центнер балиғимнинг 228 тоннаси пландан ташқари бўлди. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида эса 127 центнер балиқ тутдим. Энди ҳисоблаб кўринг: ўтган йилги ва бу йилги беш ярим ойлик овлаган балиғимнинг ҳаммаси — 519 центнерга етди. Демак, Октябрь шарафига олган маррамга яна 71 центнер қолди. Ҳали олдинда яна роса тўрт ярим ой вақт бор. Бу муддат ичида пландан ташқари яна кўплаб балиқ овлайман.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҚУРУВЧИЛАР МУЛОҲАЗАЛАРИ

Барча совет халқи сингари биз, колхоз қурувчилари ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленуми қарорларида маъқулланган СССР Конституцияси лойиҳасини кенг ва атрофлича муҳокама қилмоқдамиз. Шу лойиҳанинг 22-моддасида: «СССРда қишлоқ хўжалик меҳнатини индустриал меҳнатнинг бир турига айлантириш, қишлоқ жойларида халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва коммунал хўжалик муассасаларининг шохобчаларини кенгайтириш, қишлоқларни обод посёлкаларга айлантириш программаси изчиллик билан амалга оширилаверади» деб ёзилган.

Қишлоқларимиз йил сайин обод ва кўркам бўлиб боряпти, ҳар йили кўплаб янги уй-жой бинолари, маданий-маиший, ишлаб чиқариш ва хўжалик объектлари қурилиб, қишлоқларимиз кўркига кўрк, файзига файз қўшяпти.

Қурувчилар коллективи ўз фаолияти билан лойиҳанинг 19-моддасида кўрсатилган қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги муҳим тафовутни йўқота бориш вазифасини амалга оширишга ҳисса қўшмоқда. Областимиз колхозларида 130 та обод, шаҳар типидаги посёлкалар қурилади. Бу муҳим масъулиятли ишларни амалга ошириш учун биз барча имкониятларга эгамиз. Область колхозлараро қурилиш трести коллективи ҳозирги вақтда йилига 30 миллион сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишларини бажармоқда. Бу областдаги мавжуд 11-, 26- ва 165-қурилиш трестлари бажарадиган иш миқдорини қўшиб ҳисоблаганда қарийб тенг келади.

Юқорида кўрсатилган посёлкалардан бири Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида қурилияпти. Бу посёлканинг қурилиш иш ҳажми 8,5 миллион сўмга яқин бўлиб, бу ерда касалхона, савдо маркази, клуб, ҳаммом ва шинам уй-жой бинолари қад кўтармоқда.

Ана шундай шаҳар типидаги посёлкаларни барпо этиш Сариосиё районидаги «Коммунизм», Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли, Қумқўрғон районидаги «Москва», Шўрчи районидаги Жданов номли, Денов районидаги «Москва», Шеробод районидаги «Партия XXII съезди» колхозларида яхши йўлга қўйилган. Тажриба шуни кўрсатяптики, посёлкаларни тезроқ барпо этиш ва колхозчиларнинг уй-жойга бўлган талабини қондириш, уй-жой қурилишини тубдан кўпайтиришнинг зарур омилларидан бири — қишлоқ уй-жой қурилиши кооперативларини ташкил қилиш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Ҳозирги вақтда областимизнинг 17 та колхозида уй-жой кооперативлари тузилди. Айниқса, Термиз районидаги Жданов номли колхозда ташкил қилинган ва қурилишда фойдаланишга топширилган уй-жойлар ва уларнинг жиҳозлари мақтовга сазовор бўлиб, шу кооперативда область, партия, совет ташкилотлари раҳбарлари, район партия ташкилотининг секретарлари, колхоз раислари ва совхоз директорлари иштирокида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Шу семинарда кооператив уй-жой қурилиши учун керак бўлган 50 тадан ортиқ лойиҳалар кўргазмаси ташкил этилиб, семинар иштирокчилари ўзларининг маслаҳатларини бердилар.

Кооператив йўли билан 1977 йилда трестимиз бўйича 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш, камида 2300 квадрат-метр уй-жой қуриб, фойдаланишга топшириш вазифаси турибди. СССР янги Конституцияси лойиҳаси муҳокамага қўйилганидан руҳланган бинокорларимиз Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига шу вазифани икки баравар ошириб бажаришни мўлжаллашяпти.

Э. АНГИРОВ,
Сурхондарё область колхозлараро қурилиш трести бошқарувчиси.

ФАХРЛАНСАК АРЗИЙДИ

Янги Конституция лойиҳаси, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумидаги доклади совет кишиларнинг ғоят зўр қизиқиши ва олқишига сазовор бўлди. Чунки, лойиҳа Ленин партиясининг совет Ватанини равнақ топтириш соҳасидаги, унинг куч-қудрати ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ҳақидаги, гражданларнинг ўз ижодий қучлари, қобилиятлари ва истеъдодларини ривожлантириш ва қўлланиш, шахснинг ўйғун камол топиши учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш тўғрисидаги буюк ғамхўрлигининг янги яққол ифодасидир.

Лойиҳа биз, кинематографчиларни ҳам тўлқинлантирмоқда. Унда барча совет меҳнаткашлари қатори ижодкорларга ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши баён қилинган. Ҳа, бизнинг мамлакатимизда ижод ва ижодкорнинг қадри ана шундай баланд, ана шундай эътиборга сазовор. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Узбек совет кинематографияси бугунга келиб мисли кўрилмаган равнақка эришди. Унинг ака шундай тез камол топиши ва ҳар томонлама тараққиётида жонажон Коммунистик партиямиз ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги ҳал қилувчи роль ўйнади. Миллий санъатимизнинг ютуғини, кўркам жамолини яққол кўрсатувчи фильмларимиз бугунги кунда жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари экранларида намойиш қилинмоқда. Ғоявий ва бадиий савияси юксак, режиссура ва ижрочилик талқини мукаммал картиналаримиз кўпгина халқаро кинофестивалларда, конкурсларда ғолиб топилган. Шуниси қувончлики, ўзбек совет кинематографияси атоқли, тажрибали, истиқболи порлоқ кадрларига эга. Йилдан-йилга яратилаётган асарларимизнинг савияси, профессионал жиҳати ошиб бормоқда. Мен шулар ҳақида ўйласам, кўз олдимга энг аввало бахтимиз қомуси — СССР Конституцияси келади. Чунки, мана шу тарихий ҳужжат совет санъаткорининг мазмунли ва самарали ижод қилишини белгилаб турибди.

Биз, ўзбек кинематографчилари СССР янги Конституцияси лойиҳасини бир овозданмаъқуллар эканмиз, ўзимизни жонажон Коммунистик партиямизнинг буюк ғамхўрлигини шарафловчи, белпоён она-Ватанимизда юз бераётган улуғвор ўзгаришларни тавсифловчи, бунёдкор замондошларимиз меҳнатини таранним этувчи ғоявий юксак, бадиий баркамол асарлар яратиш ишига сафарбар деб биламиз.

Малик ҚАЮМОВ,
СССР халқ артисти.

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Андижон областида КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Завод, фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, медицина муассасаларида, олий ўқув юртларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Конституция комиссиясининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Конституцияси лойиҳаси тўғрисида»ги доклади ва Конституция лойиҳаси зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Амалдаги Конституция қабул қилинганидан кейин 40 йил мобайнида мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди. Совет жамиятининг социал қиёфаси ҳам бошқача бўлиб қолди. Ишчилар синфи, деҳқонлар ва халқ зиёлилари иттифоқи метиндек мустаҳкамланди.

Ана шу ўзгаришларнинг бари янги Конституция лойиҳасида акс эттирилган. Шунинг учун ҳам лойиҳани якдиллик билан қувватлаймиз ва маъқуллаймиз. Юбилей йилида фидокорона меҳнат қилаётган колхозимиз, хусусан бригадамиз аъзолари ҳам янги Конституция лойиҳасини кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Уни сатрма-сатр ўқир эканмиз, қалбимиз қувонч ва ифтихор туйғулари билан тўлиб тошди. Партиямизнинг халқ манфаати йўлидаги жўшқин фаолияти бизни, бутун совет халқини меҳнатда янги ғалабаларга чорламоқда.

Колхозимиз пахтакорлари Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигини ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш билан кутиб олишга ваъда қилганлар. Бригадамиз эса, ундан ҳам юксакроқ—60 центнерлик маррани кўзлаяпти. Бу эзгу ният йўлида эрта баҳордан буён мардона меҳнат қиляпмиз. Ҳар бир ниҳолни ардоқлаб, меҳр билан ўстиряпмиз. Қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш, суғориш юксак агротехника қоидалари асосида ўтказилмоқда.

Ширмонхон САЛОМОВА.
Андижон область Балиқчи районидаги «Пахтакор» колхозининг бригада бошлиғи, Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Бухородаги Октябрь 40 йиллиги номли зардўзлик фабрикаси меҳнатчилари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш учун тинмай нураш олиб бораётирлар. Шу йилнинг ўзида корхонанинг тўрт хил дўпписи «Раъно», «Фестиваль», «Баҳор» ва «Гулшан»га давлат Сифат белгиси берилди.

Зардўзлар шу кунларда Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига оширилган мажбурият қабул қилиб ишламоқдалар. Улар 7 ноябргача ўн бир ойлик плантопшириқларини адо этиш, бу билан планга қўшимча 100 минг сўмлик маҳсулот таёрлашга аҳд қилишган, Суратда: ишлаб чиқариш илғорларидан М. Ғофурова, М. Акобирова ва Т. Қандовалар.

А. АВАЗОВ ва С. МЕТЕЛИЦА фотоси. (ЎзТАГ).

БУЮК ҚАТЪИЯТ

Ўзбекистон металлургия заводининг электр пўлат эритиш комплекси қурилиши—«Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари оталиғида

Катта қурилишнинг ўзига хос завқи, мафтункор кучи, айни вақтда мураккаблиги бўлади. Биринчи қоқилган қозиқ, экскаваторда қазиб олинган дастлабки чўмич тупроқ, кўкка қараб бўй чўзган илк пўлат устун эсда узоқ қолади. Мана шу йил тўртинчи кварталда ишга туширилиши лозим бўлган объектнинг биринчи навбати. Кўплаб қурилиш ва монтаж ташкилотларининг минглаб ишчилари ва инженерлари кучғайрати, узлуксиз келтирилаётган материал ва ускуналар, қўшимча куч ва маблағларнинг ҳаммаси объектни айтилган вақтда фойдаланишга топширишга қаратилган.

Ҳамма нарсанинг муҳайёлиги, кўплаб ташкилотларнинг ишнинг боришидан манфаатдорлигига қарамай, графиккa қатъий амал қилиш нақадар оғир. Муваффақият козонишсари интилиш тиғизликдан ташқари, энг муҳими, одамларда қатъиятни вужудга келтиради. Объектни ўз вақтида ишга туширишга алокадор коммунистлар, партиясизлар, коллектив барча аъзолари руҳига «улуғриш керак» деган аҳд сингиб кетади. Доимий ва вақтинчалик қийинчиликларга қарамай ўз бурчини ижро этиш, ваъданинг устидан чиқиш, белгиланган муддатда маррага етиб келиш учун буюк қатъият вужудга келади.

Бу мақолада гап умуман катта қурилишлар ҳақида эмас, аниқ объект — Бекободда, В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида қад кўтараётган электр пўлат эритиш комплекси ҳақида кетмоқда. Яна олти ойдан сўнг бешта печдан бири дастлабки аъло сифатли маҳсулот бериши керак. Бунинг учун эса у билан бирга яна 50 та ёрдамчи объект ва участкани ишга туширишга тайёрлаш лозим. Қисқача айтганда, биринчи печни ишга тушириш учун 43 миллион сўм, колганларининг ҳар бирига эса 7-8 миллион сўм капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Ҳозир қурилиш майдончасида 2 минг бинокор ишлаб турибди. Ҳадемай уларнинг сони 3 мингга етади. Кучларни Бекобод учун мисли кўрилмаган даражада тўпламасдан гуриб, комплексни белгиланган муддатда ишга тушириш тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Хўш, нима учун мисли кўрилмаган? Маълумки, 33 йил муқаддам бу ерда мартен печлари ва Фарҳод ГЭСи қурилганида 100 мингга яқин киши қўл кучида ишлаган эди. Бу — бутун бошли меҳнат армияси, демакдир. Эндиликда эса эски усулда ҳеч ким ишламайди. Кудратли техника оз куч билан катта ишларни бажариш имконини бермоқда. Бугунги кунда республиканинг энг яхши қурилиш ва монтаж трестлари Бекободга ўзларининг жанговар кучларини юборишяпти. Қурилишга келаётган бригадаларга конкрет участкалар, умумий ишнинг маълум қисмлари топширилаётир. Қурувчилар тезроқ доимий иш жойларига қайтиш, узилиб қолган ишларни давом эттириш мақсадида зиммаларига қўйилган вазифаларни мумкин қадар тезроқ бажаришга ошиқмоқдалар.

Мана шундай шароитда бош пудратчи — «Бекабадметаллургстрой» трести томонидан ишларни моҳирлик билан аниқ ташкил этиш, оқилона координация қилиш биринчи даражали аҳамият касб этади. Қурилишга жалб этилган ҳар бир ташкилотга иш фронти яратиб бериш, уларни ўз вақтида моддий-техника воситалари билан таъминлаш керак. Бу соҳада кўп иш қилинмоқда. Қурилиш штаби гузилиб, унинг таъсири ҳафта сайин кучаймоқда. Бироқ, қурилиш ишларининг ташкилий томонларни яхшилаш учун ҳали каттагина имкониятлар ва кўпгина резервлар мавжуд.

Бош пудратчи томонидан пойдеворларни бетонлашга қўйилган Билол Осмонов бошлиқ бригадани олайлик. Коллективда 38 киши бор. Бетонлаш иши енгил эмаслигини ҳамма билади. Бироқ бригада аъзолари ўрта ҳисобда ойига 120 сўмдан маош олишяпти. Нега шундай? Гап шундаки, юксак малакали ишчилардан иборат коллектив ўзаги йўқ. Кишилар коллективда узоқ ишламай кетиб қолишяпти. Гарчи, иш илғор усулда ташкил қилинган бўлса-да, унинг суръати суст. Бундан ташқари, опалубка қалқонлари, арматура конструкциялари, бетон қоришмаси бригада сўраган вақтдан анча кеч келтиряпти. Бир кунда ётқизилган бетон қоришмаси бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳисобига ўртача 0,4 куб метрдан тўғри келмоқда. Ишнинг тўхтаб қолаётганлиги ҳақида у ёқ-бу ёққа хабар беришнинг иложи йўқ. Диспетчерлик хонасида атиги битта телефон бор. Шошилинч ҳоллларда радио алоқаси қўл келиши мумкин. Бироқ у ҳалигача ўрнатилмаган.

— Шижоаткор комсомоллар ва ҳарбий хизматдан бўшаб келаётган ёшларни илҳақлик ила кутмоқдамиз, — дейди Бекобод ветерани Осмонов. — Шаҳримизнинг келажаги ниҳоятда порлоқ. Кўнгилга ёқадиган иш, шинам квартира топиш осон. Биз келувчилардан фақат вазифаларига меҳр қўйишларини истаймиз, холос.

Олмалиқ «Строймонтаж» бошқармасининг Александр Михайлович Власов бошлиқ бригадаси бош корпусдаги пўлат синчларни ўрнатяпти. Уларнинг ўртача ойлиги 300—350 сўм. Бригада аъзолари Олмалиқдан 5-6 кунга келишади. Вазифалари аниқ, тажрибалари етарли. Конструкцияларни ҳам ўз вақтида олишади. Иш яхши ташкил этилганлигидан ойликдан шикоят қилишмайди. Шунга қарамай, улар иш суръатларини янада оширишга муваффақ бўлишмаяпти. Кранлар кам. Масалан, 72 тоннали бетон ходаларни 2 та кранда қўйиш керак. Бундан ташқари, бригада аъзолари кулай йўлакчалар йўқлигидан қийналишмоқда. Металл конструкцияларини йиғиш учун майдонча зарур. Чунки уларни ерда тайёрлаб олган қоник. Шунингдек, майдончанинг ўзида водопровод, совуқ ичимликлар ниҳоятда зарур. Тўғри, ошхона яхши ишлаяпти. Бироқ, квас, морс, лимонад билан савдо қилиш йўлга қўйилмаган.

— Александр Михайлович, айтингчи, бетончилар ва монтажчилар ойлигида нега бунчалик фарқ бор?

— Биз бошқа шаҳардан келганмиз. Бетончилар эса шу ерлик. «Бекабадметаллургстрой» трестида ойликка ҳеч қандай коэффициент қўшилмайди. Бу нотўғри. Бунинг устига кадрлар қўнимсизлиги, пала-партишлик ҳам таъсир кўрсатади.

— Биз кучларни янада кўпайтиришимиз, — дейди Узбекистон металлургия заводи капитал қурилиш бўлими бошлиғи Б. Ф. Рябченко, — иш суръатини икки баравар оширишимиз даркор. Қурилиш майдончасидаги бригадаларни иш билан тўла таъминлаш, бекор қолишларга, пала-партишликка йўл қўймаслик зарур. Биз ҳар кеча-кундузда 600 куб метрдан бетон қоришмаси ётқизишимиз керак. Амалда эса унинг ярми бўляпти. Бундай камчиликка кўпроқ ўзимиз айбдормиз. Гоҳ шофёр кеч келади, гоҳ диспетчер бетонни бошқа жойга юбориб қўяди. Шу пайтгача учинчи смена ташкил қилинмаган. Яна бир заиф томонимиз — алоқанинг йўқлигидир. Ахборотларни алмашиш жуда кўп вақтни оляпти.

— Ишларни комплекс олиб бориш учун, — суҳбатни давом эттирди Узбекистон ССР Қурилиш министрининг ўринбосари Ю. Г. Чернов, — монтажчиларга, электрчиларга кенг иш фронти яратиб бериш керак. Афсуски, июнь ойида амалга ошириладиган ишлар учун одамлар тўла жалб қилинмади.

Яна бир камчилик: қурилиш майдончасида кўргазмали агитация воситалари етарли эмас. Мусобақада кимлар олдинда? Кимлар орқада юксак кўрсаткичга эришди? Нимани ҳисобига?— булар тўғрисида ҳеч қандай маълумот ололмайсиз.

Ишчи кучларининг етишмаслиги Бекобод учун муаммодир. Ҳозир Узбекистон металлургия заводига 700 киши етишмайди. Яна 100 нафар қурувчи зарур. Янги электр пўлат эритиш комплексида 2000 киши ишлаши мўлжалланган. Янги комплекс учун ўқишга ишчиларнинг дастлабки гуруҳи юборилди. Очиғи, булар ишга янги қабул қилинганлар эмас, балки мавжуд цехлардаги ишчилардир. Агар янги комплекс ишга туширилиши билан завод дарвозасидан қўшимча ишчилар кириб бормас экан, қурувчилар ва монтажчилар фидокорона меҳнатининг самаралариданўз вақтида баҳраманд бўлолмайميз.

Завод партия комитетининг секретари М. Жамолиддинов кўрилаётган чора-тадбирларни бирма-бир санади. Ўрта Осиё республикаларига ишга таклифномалар юборилди. Малакали ишчиларга эса ярим йилдан сўнг квартира бериш ваъда қилинган.

— Шунга амал қилинадими?

— Албатта. Тўғри ҳали уйжой биноси олганимиз йўқ. Уларнинг ҳаммаси пардозлаш жараёнида. Биз республика ташкилотлари ёрдамига таяниб, пландаги 14 минг ўрнига 36 минг квадрат метр уй-жой биноси фойдаланишга топширилишидан умидвормиз.

Шаҳар намояндалари ҳарбий қисмларга бориб, армия сафидан бўшатилаётган жангчиларни Бекободга ишга боришга таклиф қилдилар. Жангчиларнинг кўпчилиги рози бўлишди. Партия комитети ёрдам сўраб турсада, ҳамманинг дилида-тилида партияга, халққа берилган сўзнинг устидан чиқиш учун қатъият ҳукмрон. Бу қатъият конкрет ишлар билан аниқ маром ўрнатишга, графиккa сўзсиз бўйсунишга, ишларни бир меъёрда оқилона ва моҳирона ташкил этишга интилиш билан ифодаланмоқда. Биз учун энг муҳими шудир.

С. ТАТУР,
Э. ХУЖАЕВ,
Ю. КОМАРЬ.

ТЕРМИЗЛИКЛАР ТАШАББУСИ АСОСИДА

ЕР—ХАЗИНА, СУВ—ГАВҲАР

Колхозимиз деҳқонлари термизликлар ташаббусига қўшилиб, юбилей йилида давлатга қариб 1000 тонна ипак пахта етказиб беришга азму қарор қилишган. 300 гектар майдонга ингичка толали пахта чигити экилди. Ипак пахта етиштиришга ихтисослаштирилган И. Содиқов, Б. Жўраев, Ж. Муҳаммадиев, С. Ҳайитов бошлиқ бригадаларда ғўзалар дуркун ривожланяпти. Экинни озиқлантириш, суғориш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Мазкур бригадаларда ғўзалар гуллай бошлади.

— Ер—хазина, сув — гавҳар, — дейди ота-боболаримиз. Бу жуда топиб айтилган гап. Чиндан ҳам сув ғўзанинг қони, тандаги дармони, ҳосилдорликни кўтаришнинг асосий омилидир. Бу йилги шароитда оз сув билан мўл-жалдаги ҳосилни олиш шарт. Бунинг учун эса бир метрга ажратилган сувдан икки-уч метр ерни суғориш лозим. Айни пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1977 йилги вегитация даврида Ўзбекистон ССРнинг сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш тўғрисидаги қарорига тўла риоя қилиб, бор сувдан тежаб фойдаланиш зарур. Биз мазкур қарор юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқиб, уни амалга оширяпмиз.

Бу йил баҳор қурукроқ келди. Ҳавонинг ҳарорати кўтарилиб, ердаги намни анча камайтириб юборди. Лекин биз бундан чўчиганимиз йўқ. «Қаловини топсанг, қор ёнади», — деган нақл бор. Бунда тадбиркорлик билан иш юритиш ва илғор тажриба муҳим роль ўйнайди. Миришкор деҳқонларимиз оз сув билан катта майдонлардаги ғўзани қондириб суғоришда анча тажриба орттирганлар. У бу йил ҳам кўл келаётир. Бу эса колхозимиз бўйича ўрта толали пахта етиштирадиган майдонларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан, ипак пахтадан 35 центнердан ҳосил кўтаришга, бир йилда ҳосилдорликни гектарига қариб 10 центнердан ошириш имконини беради.

Сув тақчиллигини ҳисобга олиб, ернинг намини сақлашга, ниҳолларни бир текис ўсишини таъминлашга киришганмиз. 140 нафар сувчи йиғма каравотлар, чироқлар, махсус кийим-кечаклар билан таъминланди. Улар навбатма-навбат ғўзаларни эгат оралатиб суғоришга ҳаракат қилишяпти. Бир литр сувдан 2-3 литр сувнинг нафини кўриш учун курашяпти. Ниҳолларни чала суғоришга асло йўл қўйилмаяпти. Суғорилган майдонлар назоратдан ўтказилиб, қабул қилиняпти.

Хўжалигимизда экинларга мавсум давомида қанча сув берилиши аниқлаб олинди. Сув исрофгарчилигига қарши кураш ҳар биримизнинг жанговар вазифамизга айланган. Ерлар етилиши билан юмшатиб борилади, об-тобида культивация ўтказилган карталарда тупроқ яхши юмшайди, шонага шона қўшилади, ғўза тез гуллайди. Биз шундай қиляпмиз.

Хўжалигимизда ғўзани суғориш муддатлари қатъий белгилаб чиқилди. Графиклар тузилиб, бригадаларга топширилди, бош сувчиларга тарқатилди. Шу тариқа ғўзалар июнда икки марта, июлда икки марта ва августда бир марта қондириб суғорилиши керак. Бинобарин, беш сув билан ҳосил етиштирилади. Искандар Содиков бошлиқ бригада ўтган йили ҳар гектар ердан 35 центнердан ипак пахта етиштирган эди. Бригада бу йил 40 центнерчилик ҳаракатига қўшилган. Шу кунларда сувдан кеча-кундуз фойдаланиб, кунига 4-5 гектар ва ундан ошириб ғўза қондириб суғориляпти.

Сувчилар сонини бошқа ишлар билан банд бўлганлар ҳисобига кўпайтирдик. Сувчиларнинг унумли ишлашлари, нормани ошириб бажаришлари учун барча шароит яратиб берилган. Бригадаларда дала шийпонидан ташқари сувчилар учун махсус дам олиш жойлари ташкил этилган. Бу яхши самара беряпти. Шийпонларга 3-4 каравот ўрнатилган, стол-стуллар бор, тушки дам олиш ва овқатланиш ташкил этилган, радиолаштирилган. Бундай шароит бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумлироқ ишлаш имконини бермоқда. Кундалик ва беш кунлик суғориш графиги устидан қатъий назорат қилиб борилади. Колхоз бош бухгалтери Н. Тўраев, бош агроном У. Жўраев ,экономист К. Қобулов ўртоқлардан иборат сифат комиссияси бу иш билан мунтазам шуғулланмоқда. Сифат комиссияси иштирокида суғорилган карталар текшириб борилади. Бригадада суғорилган карталар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмоқда. Беш кунлик нормасини сифатли бажарган бош ва уста сувчилар меҳнати колхоз правлениеси томонидан тақдирланади, юқори разряд билан иш ҳақи тўланади ,қанча ғўза суғоргани, унинг сифатига эътибор берилгани аниқланади. Илғор сувчиларга 10-15 процент миқдорда иш ҳақи берилади.

Бригадаларда сувчилар ва механизаторлар ҳамкорлиги тўла уюштирилган. Универсалчи қайси карта қачон суғорилганини белгилаб беради. Суғорилган карталар етилиши билан қатор оралари юмшатилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳақидаги қарори ва кўрсатмалари бизни янада унумли ишлашга, сувдан мумкин қадар самарали фойдаланишга руҳлантирмоқда. Зимма олган социалистик мажбуриятларимизни бажариш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигига муносиб армуғон тайёрлаймиз.

Мўмин ШАЙДОЕВ,
Вобкент район «Коммунизм» колхозининг раиси.
Ҳасан САНОЕВ,
Ҳайрилла САМИЕВ,
колхознинг илғор бош сувчилари.

МЎЛ ШОЛИ ҲОСИЛИ УЧУН

НУКУС («Совет Ўзбекистони» мухбири). КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди ва КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини амалга ошираётган Автоном республика шоликорлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган йилда ҳар йилдагидан ҳам мўл-кўл ҳосил етиштиришга ахд қилганлар. Шоликорларимиз юз берган табиий қийинчиликлар олдида тиз чўкмадилар. Оз сув билан кўп майдонлардаги шолини суғориб тўла гектарлар ҳосил қилишда қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар.

Қабул қилинган социалистик мажбуриятни ошириб бажариш учун барча резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланиш, юбилей йилида 215 минг тонна шоли етиштириш юзасидан шу кеча-кундузда шоликорлар қандай ишларни тезкорлик билан амалга оширишлари зарур эканликлари юзасидан Қорақалпоғистон область партия комитети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Автоном республика Министрлар Совети барча шоликорларга қарата очиқ хат қабул қилди. Бу хат шоликорлар томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Нукус районидаги йирик шоликор — «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозида бўлиб ўтган кенгашда ана шу очиқ хат кенг муҳокама қилинди.

Очиқ хатни муҳокама қилишда совхоз директори О. Отамуродов, Чимбой районидаги «Октябрь» совхозининг директори У. Ҳамидуллаев, шу райондаги «Майёб» совхозининг директори О. Худнёров, Ўзбекистон ССР шоличилик институти Қорақалпоғистон филиалининг директори Ж. Йўлдошев, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати Кан Аленсей ўртоқлар иштирок этдилар.

Кенгаш ишида Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

АДАБИЙ ДЎСТЛИГИМИЗ САҲИФАЛАРИ

ТАҚРИЗ

СССР халқлари дўстлиги муҳим ижтимоий, сиёсий-адабий аҳамиятга эга бўлган янги тарихий ҳодисадир. С. Шермуҳамедов, С. Мирзаевнинг Ғ. Ғулом номли бадиий адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган «Адабий дўстлигимиз саҳифалари» асари бу қудратли дўстликнинг адабий моҳиятини тадқиқ этишга бағишланган илмий асарлардандир. Социалистик воқелик қардош халқлар адабиётларининг ҳар тарафлама тараққий этишига кенг йўл очди. Бундай тараққиёт манбаларидан бири актив адабий алоқалардир. Коммунистик мақсад ва ғоялар бирлиги бу адабий алоқаларнинг янада зўр куч билан амал қилишини таъминлади. Мазкур асарнинг муҳим илмий-ғоявий йўналишларидан бири рус адабиётининг ўзбек совет адабиёти тараққиётидаги буюк ролини кўрсатишдан иборатдир. Бу ҳол кенг адабий алоқа ва ўзаро таъсир орқали амалга оширилди. Авторлар рус адабиётининг ўзбек совет адабиётига таъсири баракали ва кўп қиррали бўлганлигини қатор адабий фактлар асосида ишонарли қайд этадилар. Буюк рус ёзувчилари ҳамда атоқли совет ёзувчиларининг ижодий таъсирини барча етук ўзбек ёзувчилари мамнуният ва миннатдорчилик билан эътироф этадилар. М Горькийнинг ижоди ўзбек романчилиги тараққиётига самарали таъсир кўрсатди. Ойбек, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсиннинг йирик проза асарларида, айниқса, ўзбек адабиётида автобиографик асарларнинг яратилишида буни яққол сезамиз. В. Маяковскийнинг ўзбек совет поэзияси тараққиётига таъсири хусусида ҳам шундай ҳолни кўрамиз.

Адабий таъсир мавзу ва адабий фактлар ўхшашлигида кўринмайди. Бирор ёзувчи ижодидан ўрганиш ҳамма вақт ҳам адабий таъсир, деган сўз эмас. Китобда кўрсатилганидек, адабий таъсир бошқа ёзувчи ижодида ғоявий-бадиий жиҳатдан янги ижодий-индивидуал имкониятларни юзага чиқарган тақдирда оригинал адабий ҳодиса сифатида тан олиниши мумкин.

Маълумки, таржимачилик — адабий алоқаларимизнинг конкрет ва таъсирли шаклларидан биридир. Таржима адабиётларнигина эмас, халқларни бир-бирларига яқинлаштиради, дилни дилга пайванд қилади. СССР халқлари адабиётларининг ўзаро таржимасида рус тили асосий кўприк ролини ўйнамоқда. Авторлар адабий асарлар таржимасининг сиёсий аҳамиятини қайд этиш билан бирга, бевосита оригиналдан таржима қилишнинг афзаллиги масаласини олга сурадилар. Рус-ўзбек адабий алоқаларидаги яна бир муҳим масала — рус адабиётида Ўзбекистон мавзуининг акс этишидир. Ўзбекистонда яшовчи рус ёзувчиларининг ўзбек ҳаётини, миллий характерини ифодалашда етук ўзбек ёзувчилари ижодидан ўрганганликлари диққатга сазовордир. Ўзбек адабиётшунослигида тадқиқ этилмаган бу муаммони алоҳида таъкидлаш орқали авторлар рус ва ўзбек адабий алоқалари икки томонлама рўй берганлигини кўрсатадилар.

Ўзаро адабий таъсирнинг икки томонлама самарали амал қилинганлиги ҳодисасини текшириш китобда ўзбек, туркман, тожик, қозоқ, қорақалпоқ адабий алоқаларига бағишланган махсус боблар-нинг ҳам асосий илмий йўналишини белгилайди. Авторлар СССР халқлари адабий алоқаларининг турли жиҳатлари — адабий ҳафталиклар, қардош халқлар мавзуининг бадиий ифодаланиши, энг яхши асарларнинг таржима қилиниши, йирик адибларнинг ўзаро дўстлиги ва бошқа адабий муносабатларга доир диққатга сазовор кузатишлари ва фикр-мулоҳазаларини ибратли фактлар орқали баён этадилар. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг улуғ тожик шоири Абдураҳмон Жомий билан дўстлиги, туркман адабиётининг асосчиси Махтумқулининг Алишер Навоийни ўз устози деб билганлиги ва бошқа қатор тарихий-ижтимоий далиллар адабий дўстлигимизнинг қадимий анъанавий негизларини тушунишга ёрдам беради. Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Миртемир, Носир Фозилов ва бошқа адиблар ижодида қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ мавзуларининг ифодаланиши китобда атрофлича таҳлил этилган. Хуллас, «Ўрганиш, таъсирланиш орқали ривожланиш ҳамда ривожланиш орқали таъсир кўрсатиш — ҳозирги пайтда СССР халқлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва адабий алоқалар ана шу принцип асосида тараққий этмоқда».

Монографияда адабий алоқалар ва ижодий таъсир масалалари асосан ижтимоий-ғоявий йўналишда тадқиқ этилган бўлиб, адабий алоқаларнинг ривожланиш қўлами, ҳозирги ҳолати, ижтимоий-сиёсий, адабий-ижодий аҳамияти кўрсатилади. Бу адабий алоқаларнинг, айниқса, ўзаро таъсирнинг умумадабий жараёнда, хусусан, айрим ёзувчилар ижодида қай тарзда индивидуал ижодий рўй бераётганлигини тадқиқ этиш — адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб муаммолардандир. Ҳатто Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин ҳақидаги йирик жиддий тадқиқотларда ҳам маскур муаммо махсус текширилган эмас. М. Горький ва ўзбек адабиёти, В. Маяковский ва ўзбек поэзияси каби муаммоларга ўзбек совет адабиёти тараққиёти нақадар бой материал бера олади.

Адабий Ленинноманинг яратилганлиги СССР халқлари адабиётлари қардошлиги ва ўзаро алоқаларининг ёрқин кўринишларидандир. Маълумки, буюк Ленин образи ҳар бир адабиётда ўзига хос оригинал қашф этилган. Китоб авторлари бу мавзунинг ўзбек совет адабиётининг хилма-хил жанрларида ишланиши, бу ҳақда билдирилган фикр-мулоҳазаларни биринчи марта муфассал кўздан кечирадилар ва умумлаштирган ҳолда тадқиқ этадилар.

Китобдаги адабий портретларда адабиётимиз атоқли намояндаларининг ижодий-биографик сиймоси яхлит, ихчам, самимий ва ростгўй чизилган. Ҳар бир ёзувчи ижодига хос мавзу, ғоявий-бадиий тенденциялар тўғри белгиланади ва ҳаққоний баҳоланади. Ҳамид Олимжон фольклор анъанасини реалистик адабиёт воситаларига ижодий сингдириб, юксак замонавий пафосни тараннум этганлиги, Комил Яшининг ўзбек совет драматургиясида халқнинг революцион кураш солномасини яратганлиги, Шароф Рашидовнинг бутуниттифоқ адабиётшунослигида ҳаққоний ган олинган прозадаги ғоявий-бадиий новаторлиги, Уйғуннинг ўзига хос лирик ва драматик ижоди, Миртемир поэзиясининг халқчил ҳаётий пафоси конкрет асарлар таҳлилида ишонарли очиб берилган.

«Адабий дўстлигимиз саҳифалари» китоби Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида ўзбек адабиёти эришган муваффақиятларга, муҳим ҳаётбахш тенденцияларни илмий умумлаштиришга қўшилган ҳиссадир.

Очил ТОҒАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Франция КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг визити муваффақиятли ўтмоқда.

Суратларда (чапдан ўнгга): Парижнинг рамзига айланиб кетган Эйфель минораси остида; Франция Компартиясининг Марказий органи — «Юманите» газетаси француз меҳнаткашлари ва прогрессив ёшлар ўртасида кенг шуҳрат қозонган; Франция пойтахтининг машҳур Сена дарёси.

ТАСС фотохроникаси.

Оламда нима гап

ТИНЧЛИК УЧУН ОТАШИН КУРАШЧИ

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ҚИЛИБ САЙЛАНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА АМЕРИКАЛИК АРБОБЛАРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

АҚШ савдо-саноат доираларининг таниқли намояндаси, «Оксидентл петролеум корпорейшн» компаниясининг президенти ва директорлар кенгашининг раиси Арманд Хаммер бундай деди: «Мен КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев президент бўлганлигини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Совет кишилари давлат бошлиғидек ана шундай олий лавозимни Леонид Ильич Брежнев сингари кишига ишониб топшириб, жуда тўғри иш қилдилар деб ҳисоблайман».

Сўнгра америкалик арбоб қуйидагиларни айтди: «Шахсан менга Л. И. Брежнев кўп жиҳатдан Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленинни эслатади. Мен Ленин билан бир неча бор учрашганман ва ана шу учрашувлар ҳақидаги хотиранн бир умрга сақлаб қолдим. В. И. Ленин сингари Л. И. Брежнев ҳам буюк раҳбардир».

«Бош секретарь Л. И. Брежнев Америка халқи орасида ғоят машҳур бўлиб қолди, — деб давом этади А. Хаммер. — Тўрт йил муқаддам у Америка телевидениеси орқали нутқ сўзлаганида, тегишли соцнологик институтлар сўровларининг маълумотларига кўра, сал кам 70 миллион америкалик Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмоннинг нутқини тингламоқ учунгина ўз телевизорларини қўйган эдилар. Л. И. Брежневнинг ёрқин нутқи америкаликларга ёқиб тушди, шу боисдан уларнинг кўплари Л. И. Брежневни олқишладилар».

А. Хаммернинг қатъий фикрича, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси қилиб сайланганлиги Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ёрдам беради.

АҚШ демократик партиясининг таниқли арбоби, Американинг Совет Иттифоқидаги собиқ элчиси А. Гарриман Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Раиси масъулиятли лавозимига сайланганлиги тўғрисидаги хабарни зўр мамнуният билан кутиб олганлигини таъкидлади. Л. И. Брежнев Коммунистик партия раҳбари ва мамлакат президенти лавозимларида ишлаб, тинчликни мустаҳкамлаш мақсадларига эришиш учун астойдил ҳаракат қилишига аминман, деб қўшиб қўйди у.

Л. И. Брежнев ер юзида тинчлик учун олиб бораётган курашида самимий бўлиб, бу соҳада кўп иш қилмоқда, деб давом этди А. Гарриман. Л. И. Брежневнинг СССР билан АҚШ ўртасидаги кескинликни юмшатиш принципларига, ядро қуролини қисқартириш ва шу қуролни контрол қилиш принципларига содиқ эканлиги яхши маълум. Ҳозирги вақтда ер юзида уруш фалокатининг олдини олиш учун курашдан кўра юксак роқ ва олижаноброқ мақсад йўқ.

А. Гарриман Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимига сайланганлиги СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга ҳамда стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги масалаларда тараққиётга эришишга ёрдам беради, деб ишонч билдирди. Стратегик қурол-яроғларни чеклаш соҳасидаги музокаралар йўлида, деди у, жиддий техникавий қийинчиликлар мавжуд. Бироқ ана шу масалалар юзасидан битимга эришиш ҳар икки мамлакат учун муҳимдир. Бинобарин СССР билан АҚШ вакиллари ўртасида ошкора фикрлашиб олиш ана шу жараёнга ёрдам беради. Бу — мураккаб масала бўлиб, уни ҳал қилиш учун сабр-тоқат талаб қилинади. Аммо Л. И. Брежнев билан Ж. Картер оқибат натижада бутун инсоният учун муҳим бўлган ана шу проблемани ҳал этишда муваффақиятга эриша олишларига аминман.

А. Гарриман пировардида совет раҳбари билан уч марта учрашганлигини айтиб, Л. И. Брежнев билан ўтказган учрашувлари ва суҳбатлари тўғрисида самимий фикр билдирди. (ТАСС).

ФРАНЦИЯ Л. И. БРЕЖНЕВНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

ПАРИЖ, 20 июнь. (ТАСС). Франциянинг сиёсий ва савдо-саноат доиралари, мамлакатнинг кенг жамоатчилиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Францияга келишини қизғин табрикламоқдалар.

Л. И. Брежневнинг Францияга визити давлатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деди Франция ташқи савдо министри А. Росси. Франция — Совет савдо-иқтисодий ҳамкорлиги жуда яхши шароитларда ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажмини икки баравар ошириш борасида Л. И. Брежнев билан Франция президенти В. Жискар д' Эстэн томонидан қўйилган мақсадга эришилди. Ҳозир биз ўзаро товар оборотини уч ҳисса ошириш тўғрисида гапиряпмиз. Совет Иттифоқи билан Франция раҳбарларининг мунтазам учрашувлари давлатларимиз ҳамкорлигига янги омил бўлади, деб таъкидлади А. Росси.

Л. И. Брежневнинг Францияга визити, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Франциянинг собиқ бош министри, Миллат мажлиси ташқи ишлар комиссиясининг раиси М. Кув де Мюрвиль, француз—совет муносабатларини яхшилашга ўзаро интилишни ифодалайди, бу интилиш Франция билан Совет Иттифоқининг миллий манфаатларига, бутун дунёнинг манфаатларига мос бўлиб тушади, Европада ва унинг ташқарисида тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда кескинликни юмшатиш ишига катта ҳисса қўшади.

Биз Франциядагилар Леонид Ильич Брежневни ўз юртимизда табриклаётганимиздан хурсандмиз, деди таниқли сиёсий арбоб К. Эстье. Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсий фаолиятини, Л. И. Брежнев бу сиёсатга шахсан жуда катта ҳисса қўшаётганлигини француз жамоатчилигининг кенг доиралари тўлатўкис тушуниб, қўллаб-қувватламоқдалар. Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига сайланганидан кейин чет эл мамлакатлари орасида биринчи бўлиб айни Францияга келганлигини ўйлаганда, кишини чуқур мамнуният туйғуси чулғаб олади, деб таъкидлади Юқори Сена департаментидаги Сюрен шаҳрининг мэри Р. Понтийон. Бизларнинг мамлакатларимиз француз халқи билан совет халқинигина эмас, бутун инсониятни ҳам тўлқинлантираётган проблемалар хусусидаги нуқтаи назарларини ўзаро яқинлаштиришга ғоят муҳим аҳамият бермоқдалар.

Мен КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Францияга визитини миллион-миллион батандошларим билан биргаликда табриклайман, деди «Франция — СССР» жамияти президентлик кенгашининг аъзоси, Франция Республикасининг Совет Иттифоқидаги собиқ элчиси М. Дежан ТАСС мухбири билан суҳбатда. У Франция билан СССР ўртасидаги ҳозирги яхши муносабатларни мамнуният билан қайд этиб, бундай деди: бу — иккала мамлакатимизни Европада ва унинг ташқарисида тинчликни сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлашда Франция билан СССРнинг муштарак манфаатларини ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ролини янада чуқурроқ тушунишга олиб келган қўпданқўп кучи-ғайратларнинг самарасидир. Айни Л. И. Брежнев билан генерал де Голль иккала мамлакатимиз ўртасида дўстона ва самарали муносабатлар ўрнатиш ишига ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар.

ЧЕТ ЭЛДАГИ МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

● **ГДР**

Германия Демократик Республикасида «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари ҳамда социалистик қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ходимлари куни» биринчи марта нишонланади. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Хонеккер қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ходимлари номига табрик телеграммаси йўллади. Телеграммада қишлоқ меҳнаткашлари республиканинг социалистик хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришганлиги таъкидлаб ўтилади. Байрам тантаналари Лейпциг-Марклеебергдаги «Агра-77» умумреспублика қишлоқ хўжалик виставкаси территориясида ҳам бўлиб ўтди.

● **КОЛУМБИЯ**

Боготада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган ўтказувчи комитет тузилди. Комитетга мамлакатдаги 25 сиёсий, касаба союз, маданий ташкилотлар ва бошқа оммавий ташкилотларнинг вакиллари кирди. Булар орасида Колумбия Компартияси, меҳнаткашлар касаба союз конфедерацияси, коммунистик ёшлар союзининг аъзолари бор. Комитетнинг ижроия секретариати шонли сана шарафига белгиланган турли тадбирлар программасини амалга ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириб олиб боради.

● **ЛИВАН**

Ливан бош министри С. Хосс чет эл журналистларига мамлакатда сиёсий проблемаларни бартараф қилмай туриб, Ливан олдида турган асосий проблемаларнинг бирортасини ҳам ҳал этиш мумкин эмас, деб айтди. С. Хосс мамлакатнинг жанубидаги вазиятни, тирикчилик қилиш қимматлашиб бораётганлигини ва қочоқларнинг аҳволини ана шундай проблемалардан деб атади.

С. Хосс 19 ой давом этган уруш ҳаракатлари натижасида Ливаннинг кўрган бевосита моддий зарари 7,5-8 миллиард Ливан фунтини ташкил этади, деди.

● **МИСР**

Миср Араб Республикасининг президенти А. Садат матбуот учун берган суҳбатида қуйидагиларни айтди: Миср Франциядан 4-5 ядро реакторини сотиб олиш ниятидадир; бу реакторларнинг баъзилари Синай ярим оролига ўрнатилади. Яна иккита реакторни Американинг «Вестингауз» компанияси Миср етказиб беради. Президентнинг айтишича, бу реакторлардан электр энергия ишлаб чиқариш ва денгиз сувини чучуқлаштириш учун фойдаланилади.

(ТАСС).

ПЕКИННИНГ ИККИЮЗЛАМАЧИЛИГИ

Хитой матбуоти саҳифаларида халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорликка нисбатан нафрат руҳи билан суғорилган, урушни низоли масалаларни ҳал этиш қуроли деб мадҳ этувчи, мамлакатни ёпасига милитарлаштиришга даъват қилувчи мақолалар куни сайин кўплаб эълон қилинмоқда.

ХХР Давлат кенгаши Бош министрининг ўринбосари Ли Сянь-Нянь яқинда Перуда чиқадиган «Пренса» газетаси мухбири билан суҳбатда айнан қуйидагиларни айтди: «Совет Иттифоқи билан Хитойнинг давлат раҳбарлари ўртасида бир-бирларини тушуниш имконияти мавжуд. Лекин руслар бу имкониятни реалликка айлантиришни истамаётирлар. Улар очиқдан-очиқ бизга, қарши хужум бошладилар ва ҳозир ҳам шу ҳужумни давом эттирмоқдалар». У яна «менинг фикримча, мунозаралар давом эта беради ва бунинг учун улар айбдор» деб айтди.

Хўш, бу ҳақда нима деса бўлади? Биринчидан, Ли Сянь-Нянь Совет—Хитой муносабатлари тўғрисидаги масалада Совет Иттифоқининг тутган позициясини атайлаб бузиб кўрсатяпти. Бизнинг мамлакатимиз ҳамиша Хитой билан нормал муносабатлар бўлишини ёқлаб келди. Совет кишиларининг Хитой халқига нисбатан ҳеч қандай душманчилиги йўқ, совет халқи жаҳондаги бошқа халқлар билан бўлгани сингари Хитой халқи билан ҳам тинч-тотув яшашни истайди. Демак, СССР билан ХХР ўртасидаги муносабатларда ҳалигача яхшилик томон ўзгариш юз бермаган экан, бунинг учун Хитой томони жавобгардир.

Иккинчидан, Ли Сянь-Нянинг у айтгандек «иккала мамлакат ўртасидаги ҳозирги муносабатлар» гўё СССРнинг ташаббуси билан бошланган деган даъвоси ҳам ҳақиқатга хилофдир. Пекин пропагандаси Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатига (худди шунингдек ички сиёсатига ҳам) нисбатан тинмай бўҳтон қилмоқда. Пекин пропагандаси партия ва мамлакатда идеология ишлари учун, шунингдек ташқи сиёсий пропаганда учун, Хитой маъмурларининг эътироф қилишича, «тўртлар гуруҳи» жавобгар бўлган пайтларда ҳам ўзининг худди шундай алғовчилик ҳужумини олиб борган эди. Аслини олганда «Тўртлар гуруҳи» четлаштирилгандан кейин ҳам аҳвол ўзгармади.

Хитой раҳбарлари ўзгаргандан кейин СССР Хитой энди мураккаб даврни бошидан кечираётганлигини ҳисобга олиб, ХХРнинг сиёсати хусусида бир неча ойгача танқидий мулоҳазалар билдирмади.

Аммо Пекин раҳбарлиги сиёсатда ҳам, пропагандада ҳам ўзининг илгариги айтисовет ва антикоммунистик йўлидан қайтишни истамаганлиги ой сайин равшан бўлиб қолмоқда. Шундай бир вазиятда совет матбуотининг жим туришини Хитойнинг ўзида ҳам ва ундан ташқарида ҳам нотўғри тушунишлари мумкин эди.

ХХР Давлат кенгаши Бош министрининг ўринбосари чет эл газетасининг мухбири билан суҳбатда гўё унинг мамлакати ҳамжиҳатликни излашга тайёр деб писанда қилди. Айни вақтда бирон-бир ҳамжиҳатлик тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки улар СССР «биринчи душман», унга қарши ҳамма йўллар билан кураш олиб бориш керак, деб Хитой халқини ишонтирмоқчи бўладилар.

Хўш, бу йўл нималардан далолат бериб турибди? Бу саволнинг жавоби ўз-ўзидан маълум.

А. КРАСИКОВ,
ТАСС сиёсий обзорчиси.

физкультура ва спорт

СУВ ТЎПИ

Украина пойтахтида II Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари программаси бўйича ватерполчилар ўртасида ўтказилган баҳслар ниҳоясига етди. Кучли саккизликдан жой олган республикамиз вакиллари баъзи имкониятларни бой бериб, сўнгги ўринлар учун курашни Тожикистон ватерполчилари билан ўтказишди. Учрашув вакилларимиз фойдасига (7:6) ҳал бўлиб, команда ҳисобида еттинчи ўрин эгалланди. Москва, Украина, Қозоғистон командалари фахрий шохсупанинг уч поғонасига кўтарилишди. 4-6 ўринлар эса РСФСР, Грузия, Белоруссия командаларига лойиқ кўрилди.

КАМОНДАН ОТИШ

Таллинда ўтказилган халқаро турнир мусобақаларида тожикистонлик моҳир спортчи, жаҳон чемпиони Зебинисо Рустамова яна ўзини кўрсатди. У мусобақа бошидан пешқадамликни қўлга олиб, 60 метрлик масофадан нишонга олиш бўйича кетма-кет жаҳон рекордига лойиқ натижаларга эришди. Зебинисодан кейинги ўринларни П. Мерилуото (Финляндия) ва О. Бударина (СССР) эгаллашди. Совет спортчилари кўманда ҳисобида ҳам биринчи бўлишди.

КУРАШ

Қарағанда шаҳрининг «Октябрьский» спорт саройида самбо кураши бўйича СССР чемпионати мусобақалари туғади. Қизғин беллашувларда ўзбекистонлик самбочилар битта олтин, икки кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритишди. Вакилларимиздан С. Гогнадзе билан А. Долженколар кўксиларига кумуш медаль тақдилар. А. Зялгинцевнинг бронза медали совриндори бўлганини маълум қилган эдик. Мусобақада яна бир вакилимиз, тошкентлик армиячи, ўтган йилги Европа чемпиони Владимир Соболнров фахрий супанинг энг юқорисига кўтарилишга муяссар бўлди. У юз килограммдан ортиқ вазнли полвонлар орасида биринчи марта мамлакат чемпиони номига лойиқ кўрилди. Владимир ҳал қилувчи беллашувни уч марта мамлакат чемпиони, москвалик В. Кузнецов билан ўтказиб, зафар қучди. Вакилимиз ғалаба нашидасини суриш учун бор-йўғи 25 секунд вақт сарфлаб, рақибининг курагини ерга тегизишга муваффақ бўлди. Мусобақада 17 коллективдан вакиллар иштирок этишди. Норасмий команда ҳисобида ўзбекистонлик самбочилар тўртинчи ўринни эгаллашди.

* * *

Республикамизнинг навқирон шаҳри Навоийда физкультура ва спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ерда 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, қулай сузиш бассейн спортчилар хизматида. «Сўғдиёна» спорт клубида эса спорт турлари бўйича 25 секцияда юзлаб йигит-қизлар ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Суратларда: 1. Боксчилар машғулот ўтказишмоқда. Олдинда (чапдан) Навоий ГРЭСи электрослесари А. Селетков билан «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари М. Нуриев. 2. Уч минг томошабинга мўлжалланган сузиш бассейнининг умумий кўриниши.

А. Авазов ва С. Метелиц фотолари. (ЎзТАГ).



ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг июнь ойи сони КПСС Марказий Комитети май Пленуми тўғрисидаги информацион билдириш ҳамда Пленумнинг СССР Конституцияси лойиҳаси ва СССР Давлат гимни тўғрисидаги қарорлари билан очилади. Журналнинг бош мақоласи ривожланган социалистик жамият демократизми мавзуига бағишланади. «Ривожланган социализм социал—иқтисодий проблемалари» бўлимида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Хўжаевнинг «Бирлашмалар ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши», техника фанлари кандидати В. Духовнининг «Ер — сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим манбаи» сарлавҳали мақолалари босилган. Шунингдек, иқтисод фанлари кандидати К. Саидовнинг шаҳар билан қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яқинлаштириш, юридик фанлари кандидати Б. Эшоновнинг совет гражданлари шахсий мулкининг социал-иқтисодий ва ҳуқуқий табиати ҳақидаги мақолалари ҳам ана шу бўлимдан ўрин олган. «Марксизм-ленинизм — байроғимиз ва қуролимиз» бўлимида философия фанлари доктори Ж. Туленовнинг «КПСС XXV съезди ва диалектика назариясининг ривожлантирилиши», «Партия ва совет қурилиши» бўлимида тарих фанлари кандидати Н. Виноградовнинг «Меҳнаткашлар активлигини кучайтиришда оммавий ташкилотлар ролининг ошиб бориши» сарлавҳали мақолалари босилган. «Ҳужум» ҳаракатининг эллиқ йиллиги нишонланмоқда. Шу муносабат билан журналда тарих фанлари доктори Ҳ. Шукурованинг «Хотин-қизлар озодлиги учун кураш муҳим босқич» сарлавҳали мақоласи берилган. Журналда шунингдек, идеология, фан, маданият, халқаро темаларда ёзилган қизиқарли мақола ва корреспонденциялар билан ҳам танишиш мумкин.

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

Журналнинг июнь ойи сони босмадан чиқди. Унда КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми тўғрисида информацион билдириш ҳамда СССР Конституциясининг лойиҳаси ва СССР Давлат гимни тўғрисида Пленум қабул қилган қарорлар босилган. Журналда КПСС Марказий Комитетининг «Саноатдаги ишлаб чиқариш бирлашмалари шароитида партия ташкилотлари ташкилий тузилишининг баъзи масалалари ва иш формалари тўғрисида»ги қарори берилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. Қурбоновнинг «Бош йўналишда» сарлавҳали мақоласида КПСС XXV съезди қарорлари асосида республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифалари ҳақида фикр юритилади. Журнал Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги олдидан «Улуғ Октябрь ғояларини яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда» рубрикасини давом эттириб, интернационализм ва халқлар дўстлиги мавзуида бир қатор мақола ва корреспонденциялар босган. «Хўжаликка раҳбарлик» рубрикаси остида Дўстлик районидаги «Комсомол» совхози партқўмининг секретари С. Абдуғаффоров, Бухоро область матлубот союзи бошланғич партия ташкилотининг секретари Ф. Нарзуллаев ўртоқларнинг юбилей йили мўл ҳосили учун курашаётган қишлоқ меҳнаткашларининг жасорати, уларга кўрсатилаётган кундалик ёрдам ва ғамхўрлик мавзуларида ёзган мақолалари билан ҳам танишиш мумкин. Андижон область партия комитетининг иккинчи секретари Б. Красников «Ташкилий-партиявий иш» рубрикасида берилган мақоласида шаҳар ва район партия комитетлари иш услубини такомиллаштириш юзасидан область партия комитети олиб бораётган ишлар ҳақида, Бекобод шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари С. Монин ёшлар билан савиясини ошириш, Сирдарё район Совети ижроия комитетининг раиси У. Хўжаев ўз мақоласида доимий комиссиллар фаолияти тўғрисида қизиқ қиладилар. Журналда цех партия ташкилотлари ва партия группалари ҳаётидан мақолалар босилган. Унда шунингдек, «Идеология иши ва ҳаёт», «Журналхонлар хабар қилади», «Матбуот обзори», «Янги китоблар» каби рубрикалар остида берилган турли темалардаги ҳар хил жанрли материаллар билан ҳам қизиқиб танишиш мумкин.

Сиҳат-саломатлигингиз қандай?

ИГНА-ШИФОБАХШ

«Тошкент минерал суви» физиотерапея касалхонасининг неврология бўлими мудири, медицина фанлари кандидати Иброҳим Иноятович Орифжоновнинг кабинетида ўтирибман. Кабинетнинг ярмини чойшаблар билан ўралган бўлмалар эгаллаган. Деворда одам скелетлари, улардаги касалликларга қараб игна уриладиган нуқталар тасвирланган диаграмма ва расмлар осилиқ. Иброҳим Иноятовичнинг ўзи ўтирадиган стол орқасидаги — тўрдаги деворда ҳам ҳар хил схемалар, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний сингари алломалар, шоирларнинг портретлари турибди. Девор тўбида эса магнитофонли катта приёмник. Кенггина бўлган бу хона тикилинч, тор кўринади.

Иброҳим Иноятовичнинг шкафида иш асбоблари, ҳар доимги ҳамроҳи бўлган айрим кўлланмалар ва бошқа зарур нарсалар билан бирга жуда кўп суратлар, хатлар, кундаликлар тахланган. Суратларни кўздан кечира бошлаймиз. Ҳар бир кишининг сурати иккита. Буларнинг бири —даволанишдан олдин иккинчиси даволанишдан кейин олинган суратлар. Уларга қараб, беихтиёр ҳайратга тушади киши: бир суратдаги юзи, яғни, кўзи қийшайиб, бир томонга оғиб кетган. Оғзининг бир томони юмилиб, иккинчи томони катта очилиб турган кишилар иккинчи суратда сиз-у биздай соппа-соғ, чиройли ҳолда боқиб туришибди. Бу ўзгариш қанча вақт ичида содир бўлганини сўраган эдим, Иброҳим Иноятович 10—15 кун ичида, деб жавоб берди.

Хатлар эса ана шундай, ўнўн беш кун ичида қусни аввалги ҳолига қайтган, узоқ йилларидан бери тушуниб бўлмайдигандек туюлган «сирли» дардлардан (бундай беморлардан кўпчилиги ўша «сирли» дардларни шу даргоҳда қолдириб кетишган) халос бўлган кишиларнинг узоқ-яқиндан йўллаган ташаккур изҳорлари.

Мен Иброҳим Иноятовичнинг игнасидан шифо топган беморларнинг айримлари билан суҳбатлашдим:

— Беш-олти йилдан бери ўнг қулоғим ғувилларди, — дейди тошкентлик пенсионер А. И. Коновалова. — Бунинг устига шовқинга жуда сезгир эди. Ким ўзининг томир уришини эшитади? Мен эшитар эдим. Игна ола бошлаганимдан бери шовқин йўқолиб боряпти.

Тошкент область Тошкент районидаги «Ленинград» совхозининг парник хўжалиги хисобчиси Тошкентбой Андаболев бундай дейди:

— Чап қўл оёғим билан белим жуда қаттиқ оғрир эди. Оғриқ тўфайли кечалари ухлолмай тонг оттирардим. Кўп даво қилиб кўрдим, бўлмади. Охири бу ерга келиб, ўн беш марта игна олдим. Ҳозир яхши бўлиб қолдим.

Мен беморларнинг бу фикрларини Иброҳим Иноятовичга айтиб берган эдим, у киши кулимсираб, бош чайқади:

— Йўқ, масалага бу тахлитда ёндашиб бўлмайди. Бундай ёндашиш кишиларда бир томонлама, ҳатто ёлғон тасаввур уйғотиб қўйиши мумкин. Бизнинг совет медицинамиз, жумладан, унинг неврология ва физиотерапия сингари соҳалари беморларнинг дардини енгиллаштиришда жуда кўп имконият ва воситаларга эга. Бу нарсадан кўз юмиш —мутлақо хато. Игнатерапиянинг хусусиятига келсак, у тез самара кўрсатади. Бу борада совет медицинаси катта ютуқларга эришди.

Хўш, олимнинг ўзи игнатерапияга қандай қилиб келиб қолган? Иброҳим Иноятович Тошкент Давлат медицина институтини битиргач, хирурглик мутахассислигини ўрганди. Харбий қисмда хирург бўлиб ишлади. Кейинчалик ўша пайтларда анча кенг тарқалган гижжа касаллиги мутахассислиги-гельминтология билан шуғулланади. СССР Медицина фанлар академиясининг мухбир аъзоси, медицина фанлари доктори, профессор марҳум Абдулла Зоҳидов раҳбарлик қилган Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида лабораторияга бошчилик қилди.

Игнатерапияга қизиқиб, унинг устида изланишлар олиб борган И. Орифжонов ўзининг асосий иши —гельминтологияни ҳам ташлаб қўйгани йўқ. У москвалик машҳур олим, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва Давлат мукофотлари лауреати, академик К. И. Скрябин раҳбарлигида бу соҳада ҳам тинимсиз жиддий ишлар олиб борди ва кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

У илмий-тадқиқот институтидан кейин 4-бошқарманинг «Тез ёрдам» станциясида ишлади. Лекин игнатерапиянинг бутун сир-асрорини ўрганиб олган врачни «Тез ёрдам»да ишлаш қаноатлантирмас эди. У игнатерапия кабинетини очиш орзусида яшарди. Чунки ана шундай кабинет бўлса, ўзининг одамларга кўпрок ёрдами тегишини биларди. Чунки фақат шу иш билан шуғулланиб, даволанишнинг шу усулигагина мухтож бўлган одамларга ёрдам бериш ҳар жиҳатдан—врачлик касби жиҳатидан ҳам, маънавий, ижтимоий жиҳатдан ҳам муҳим эди. Ниҳоят, унинг орзуси амалга ошди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги медицинанинг игнатерапиядек муҳим соҳасини йўлга қўйиш мақсадида республикада бир нечта игнатерапия кабинетлари очди. Шулардан бири — «Тошкент минерал суви» республика физиотерапия касалхонасидаги игнатерапия кабинетига мудир қилиб И. Орифжонов юборилди.

Вақтимиз шу қадар тиғизлигига қарамай, Иброҳим Иноятович игнатерапия илми билан шуғулланишдан, изланишдан тинмайди. У докторлик диссертацияси учун анчагина материал йиғиб қўйибди. Бундан ташқари у шу касалхонанинг физиотерапия бўйича врачи В. С. Сварачевский билан ҳамкорликда бир аппарат ихтиро қилган. Бу аппарат ёш игнатерапевт-невропатологларга учун жуда муҳим ва зарур жиҳоз бўлди. У игна санчиш зарур бўлган нуқтани топишда қўл келади.

— Ахир, игнатерапевтга игна санчилиши лозим бўлган нуқталар маълум-ку, — дедим аппарат билан танишгач.

— Тўғри игнатерапевт игна санчилиши керак бўлган нуқталарнинг ҳаммасини билади, — дейди Иброҳим Иноятович. — Лекин ўша нуқтанинг ўзида ҳам игнани айнан қаерга санчишни билиш керак-да. Ёш, тажрибасиз игнатерапевт бу борада қийналиши турган гап. Аппаратнинг мана шу ўчини ўша нуқталар устида юргизилса, айнан игна санчилиши зарур жойга келганда у сигнал беради.

Радиола бу ерда шунчаки савлат тўкиш ёки врачнинг дам олиши учунгина қўйилгани йўқ. У ҳам игнатерапиянинг бир «воситаси». Иброҳим Иноятович беморларга игна санчади-ю, ё музика, ё ҳар хил қушларнинг сайроғи ёзилган лентани қўйиб қўяди. Музика ёки қушларнинг сайроғини тинглаганда, маълумки, кишининг асаблари анча хордиқ олади.

Кабинетдаги жиҳозлар ҳақида гап кетганда яна бир нарсани эслатмасдан ўтиб бўлмайди. Бу мулоҳазалар ва таклифлар дафтаридир. Лекин шуниси ғалатики, дафтарда биронта мулоҳаза ёки таклиф йўқ. У фақат миннатдорчилик сатрларига тўла.

Машраб БОБОЕВ.

Редактор М. КОРИЕВ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Қора денгиз тўлқинлари» (бадиий фильм, 3-қисм, 1-серия). 11.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.05 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — «Менда шер бор» (бадиий фильм, 2-серия). 17.05 — «Совет характери». 18.05 — Франция музикаси. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Болаларга аталган шеърлар. 19.25 — Спортлото. 19.45 — Информацион программа. Кўрсатувдан кейин концерт. 20.45 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.15 — Футбол. «Шахтёр» — «Қайрат». 23.45 — «Цимбаллар янграйди». 00.15 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Телефильм. 11.50 — Ер остида (кинофильм). 12.30 — Фильм-концерт. 12.55 — «Агар ҳақ бўлсанг» (бадиий фильм). 18.30 — Мультфильм. 18.50 — Нафосат оламида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Информацион программа (Москва). Кўрсатувдан кейин концерт. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Фильм-концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.15 — «Пахта ва сув». 22.30 — Ҳужжатли фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ҮЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.45 — Химия. 20.45 — Янгиликлар. 21.00 — Қизиқувчилар экрани. 21.30 — Олий ўқув юртларида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 9.30 — «Еш овозлар» (концерт). 10.30 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 11.15 — «Коммунизм бинокорлари». 11.30 — Ўзбек балетларидан парчалар. 12.10 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — «Чорвадор районлар радиоўйламаси». Нурота районы. 13.30 — Совет Армияси жангчилари, сиғлар учун (концерт). 14.00 — Тошкентлик таваббускор мактабўҳорикорлар изидан. 16.10 — Музикали ҳаёт янгиликлари. 18.30 — Спорт эшиттириши. 19.00 — «Совет демократиясининг реал гарантияси» (Москва). 19.20 — «Дўстлик гўлқинида». 20.20 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 21.00 — Н. Нарзуллаев шеърлари билан айтиладиган қўшиклар. 22.00 — «Беполён далалар» музикали программа. 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — «Шеърият кечаси». 23.15 — Дам олиш соатида (концерт).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/VI да Фарғона тонг отгунча.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— Картуш; Иккинчи ҳақиқат (катта зал), Сангам (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Картуш; Иккинчи ҳақиқат — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

«Айвенго» яхтасининг сири— «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ширин аёл — ҲАМЗА номли (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «УЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Картуш — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Езги бинода

Картуш — «ФЕСТИВАЛЬ».

«Айвенго» яхтасининг сири— «ХИВА».

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОССТРОЙИ

Узбекистон ССР территориясида маҳаллий иқлим ва сейсмик шароитларни ҳисобга олган ҳолда қуриш учун

ҚИШЛОҚ ВА ШАҲАР (район) БОЛАЛАР КУТУБХОНАЛАРИ ТИПОВОЙ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН

РЕСПУБЛИКА ОЧИҚ КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳар бири 100 сўмдан 700 сўмгача бўлган 10 та мукофот белгиланган.

КОНКУРС МАТЕРИАЛЛАРИ 1977 ЙИЛНИНГ 14 ОКТЯБРИДАН КЕЧИКТИРИЛМАЙ ТОПШИРИЛАДИ.

Барча масалалар юзасидан конкурс секретарига мурожаат қилинсин: Ўзбекистон ССР Госстройи, 700078, Тошкент шаҳри, Парадлар аллеяси, 6-уй. Телефон 39-10-97.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

Қуйидаги кафедралар ва фанлар бўйича профессор-ўқитувчилар составидаги ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар (профессор ёки доцент): тракторлар ва автомобиллар, машина-трактор парки эксплуатацияси, ички ёндирувчи двигателлар, чорвачиликни механизациялаш.

Чет эллик студентлар тайёрлов бўлимида ишлаш учун: умумий илмий фанлар ва рус тили;

Профессорлар: чорвачиликни механизациялаш;

доцентлар: илмий коммунизм, математика, физика, қишлоқ хўжалиги сув таъминоти, машиналарнинг деталлари, меҳнатни муҳофаза қилиш;

катта ўқитувчилар: совет ҳуқуқи, қишлоқ хўжалиги корхоналари экономикаси ва уни ташкил этиш, гидрология гидромелиорация системаларини эксплуатация қилиш ва автоматлаштириш, аҳоли яшайдиган қишлоқ жойларини текислаш, ерларни лойиҳалаш;

ассистентлар: илмий коммунизм, чизма геометрия, машиналарнинг деталлари.

ҚАРШИ ФИЛИАЛИДА ИШЛАШ УЧУН:

Мудирлар: умумий таълим фанлари, қишлоқ хўжалиги мелиорацияси, қишлоқ хўжалиги машиналари, ерларни лойиҳалаш;

доцентлар: қишлоқ хўжалиги мелиорацияси, қишлоқ хўжалиги машиналари, электротехниканинг назарий асослари, гидрология;

катта ўқитувчилар: химия, ерларни лойиҳалаш, қишлоқ хўжалиги мелиорацияси, инженерлик геодезияси, гидрогеология.

ЯНГИЕР ФИЛИАЛИДА ИШЛАШ УЧУН:

Мудирлар: қишлоқ хўжалиги мелиорацияси, қишлоқ хўжалиги машиналари;

доцентлар: сиёсий иқтисод, физика, электротехниканинг назарий асослари, тракторлар ва автомобиллар, машиналарнинг деталлари, инженерлик конструкцияси, қишлоқ хўжалиги мелиорацияси;

катта ўқитувчилар: марксча-ленинча философия, тупроқшунослик ва деҳқончилик, чизма геометрия ва чизмачилик, ўқитувчилар: жисмоний тарбия, гидрология.

КОНКУРС МУДДАТИ — 15 ИЮЛГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қориниёзов кўчаси, 39-уй. Кадрлар бўлими.

КОСМЕТИКА ВА... АВТОМОБИЛЬ

КУНДАЛИК ҲАЕТИМИЗНИ АВТОМОБИЛСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИШ ҚИЙИН. АВТОМОБИЛЛАР АЛЛАҚАЧОНЛАР «ОЛДИНГА ТЕЗ ҲАРАКАТ ҚИЛИШНИНГ» ОДДИЙ ВОСИТАСИГИНА ЭМАС, БАЛКИ УЛАР УЛКАН ШАҲРИМИЗ МАНЗАРАСИНИНГ, СЕРШОВҚИН ШАҲАР ҲАЕТИНИНГ АЖРАЛМАС БИР ҚИСМИ БЎЛИБ ҚОЛГАН.

Айтингчи, қайси бир ҳайдовчи ўз машинасини доим топтоза, худди ҳозиргина завод конвейеридан тушгандек яп-янги, кўришни хоҳламайди, дейсиз?!

Автокосметика — ҳар бир автоҳаваскорнинг ишончли дўсти ва ёрдамчисидир!

АВТОКОСМЕТИКАДАН ФОЙДАЛАНИШ — БУ ҲОЗИРГИ КУНДА АВТОМОБИЛЬ БОШҚАРИШНИНГ ЗАРУРИЙ МАДАНИЯТИДИР.

ДВИГАТЕЛЬ — АВТОМОБИЛНИНГ ЮРАГИДИР.

Автомобилдан фойдаланиш жараёнида ва уни сақлаш даврида двигатель сиртини сув билан ювганда ҳам кетмайдиган ифлосликлар қоплайди.

ДВИГАТЕЛЬ ТОЗАЛАГИЧ — чирклари, автомобиль кузовлари, двигателлар, мотоцикллар, мотор агрегатлари, двигателлар сиртидаги сувда кетмайдиган мой ва бошқа ифлосликларни тез ва осон кетказади. Двигатель автотозалагич шиша бутилкаларда чиқарилаётир.

«ЗАНГНИ АВТОМАТ ТОЗАЛАГИЧ» ва «ЗАНГ ТОЗАЛАГИЧ» автомобилнинг тубида, қанотларида ва юк бўлимининг ички қисмида коррозияга қарши теглик билан ҳимоя қатлами ҳосил қилади.

«ОЙНАНИ АВТОМАТ ТОЗАЛАГИЧ» — автомобиль ойналаридан мойли ифлосланишларни тез ва осон кетказади.

Бу суюқлик ОЙНАКЛАРНИНГ ШАФФОФЛИГИ ВА ЯРҚИРОҚЛИГИНИ ТИКЛАЙДИ, унда излар қолдирилмайди, автомобилнинг лак-бўёқ қопламларига, металларга, резина тутқичлари ва пластмассага коррозияга олиб келувчи бирон таъсир ўтказмайди.

АВТОМОБИЛНИНГ ЛАК-БУЁҚЛИ СИРТИДАН БИТУМ, МОЙЛИ ВА ЕҒЛИ ДОҒЛАРНИ АВТОМАТ КЕТКАЗГИЧ —автомобиллар, мотоцикллар, велосипедлар лак-бўёқли сиртидаги мойли ва ёғли доғларни кетказиш учун мўлжалланган. АВТОТОЗАЛАГИЧ АВТОМОБИЛНИНГ ЛАК-БУЁҚЛИ ҚОПЛАМИНИНГ ДОИМ ЯРҚИРАБ ТУРИШИНИ ГАРАНТИЯЛАНДИ ВА КУЗОВДАН ФОЙДАЛАНИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРАДИ.

БИЗ ЮҚОРИДА СЎЗЛАГАН АВТОКОСМЕТИКАНИ ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

Бу корхона ишлаб чиқараётган янгиликларни доим кузатиб боринг: ДВИГАТЕЛНИ АВТОТОЗАЛАГИЧ — аэрозоль УПАКОВКАДА; АВТОПОЛИРОЛЬ — АЭРОЗОЛЬ УПАКОВКАДА; РЕЗИНАЛАР УЧУН ҲИМОЯ-ДЕКОРАТИВ АВТОКРАСКА.

ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ. «УЗТОРГРЕКЛАМА».

СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Главпромвентиляция» ГПИ «ПРОЕКТПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ»НИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ 1978 ЙИЛ ҮЧУН ЛОЙИҲА ИШЛАРИГА

ЗАЯВКАЛАР ТЎПЛАШГА КИРИШДИ

ГПИ «ПРОЕКТПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРАДИ:

Реконструкция қилинаётган корхоналарда ва саноат, жамоат ва коммунал хўжалик биноларида вентиляция ва кондиционер ҳавони лойиҳалаш.

Бино ичидаги ҳавонинг умумий ҳолатини белгилаб берадиган тарзда чиқаётган заарли ҳавони комплекс тадқиқ қилиш.

Шунингдек, лойиҳа-қидирув ишларига заказ бериш учун белгиланган формалар бўйича министрликлар ва давлат комитетлари (идоралар қарамоғидаги) орқали юборилган заказлар ҳам қабул қилинади.

Заявкаларни тузиш юзасидан консультация олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 91-уй, 4-қават (трамвайлар: 7, 14, 24; троллейбуслар: 15, 16; автобуслар: 18, 58 «Э», 131. «Волгоградская» кўчаси» бекати. Телефонлар: 53-52-52, 53-65-98, 53-65-89, 53-66-19.

●

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Б. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

фрезерчилар, токарлар, слесарлар, клепальщчиклар, турли касбдаги қурувчилар

КЕРАК

ЕЛГИЗ КИШИЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

слесарь-ремонтчилар, асбобсозлар, йиғувчилар, қолипчилар, стерженчилар, жилвирловчилар, қуйилмани қирқувчилар, штамповкачилар, металларни қирқувчилар, токарлар, йўнувчилар, инженер-технологлар ва конструкторлар

КЕРАК

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — ишга жойлаштириш бўйича марказий пункт ва район пунктларига учрашилсин.

●

ЛЕНИН НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ ЯНГИ ПЎЛАТ ҚУЙИШ ЦЕХИГА

қуйидаги касб эгаларини

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

инженер-механиклар, инженер-электриклар, пўлат қуювчилар, пўлат қуювчиларнинг шогирдлари, хомаки маҳсулотни узлуксиз қуйиш машинасининг операторлари, кранчилар, слесарлар, электромонтёрлар, газ-электр пайвандчилар, токарлар, фрезерчилар, вальцовкачилар, қиздирувчилар, ғишт терувчилар, пўлат қуювчилар.

ОИЛАЛИ МАЛАКАЛИ (4 разряддан кам бўлмаган) ИШЧИЛАР ЗАВОДГА ИШГА КИРГАНЛАРИДАН КЕЙИН ОРАДАН 5-6 ОЙ ЎТИШИ БИЛАН КВАРТИРА ОЛАДИЛАР, ЕЛГИЗ КИШИЛАРГА БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАРИ БЎЛГАН ЕТОҚХОНАДАН ЖОЙ БЕРИЛАДИ.

18 ёшга тўлган ва ихтисослиги бўлмаган йигитлар ва қизлар заводнинг техника бўлимида 2-6 ой ичида, шунингдек ЧЕРЕПОВЕЦ, ЧЕЛЯБИНСК, ЛИПЕЦК шаҳарларидаги турдош корхоналарда касб эгаллашлари мумкин.

УҚИШ ДАВРИДА ОЙИГА 80-120 СУМДАН ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: 702902, Тошкент области, Бекобод шаҳри. Телефонлар: 72-59, 79-10, 72-60, 78-43.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг коллективи нашриётнинг кекса корректори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

Тўғрул АЪЛАМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг Ўзбекистон республика бошқармаси коллективи Давлат меҳнат омонат кассаларининг Фарғона область бошқармаси бошлиғи С. Ў. Ҳидоятова онаси

Мунисхон СОЛИЕВанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.